



Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2023 йил I ярим йиллик ижроси юзасидан ҲИСОБОТ



Тошкент 2023 йил

Мундарижа


	Кириш	3-10
I.	Давлат бюджети даромадларининг ижроси.....	11-20
II.	Давлат бюджети харажатларининг ижроси.....	21-50
III.	“Ташаббусли бюджет” жараёни.....	51- 56
IV.	Давлат мақсадли жамғармалари ижроси.....	57-80
V.	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати томонидан ҳисобот даврида амалга оширилган ишлар.....	81-87

КИРИШ

2023 йилнинг I ярим йиллигида **ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)** ҳажми жорий нархларда **469 619 млрд сўмни** ёки ўсиш суръати **5,6 фоизни** (йил бошидаги прогноз – 5,2%) ташкил этди.

Бунда, **иқтисодий ўсишнинг асосий драйвери** хизматлар соҳаси бўлиб, унинг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати **6,4 фоизни** (ўсишдаги ҳиссаси – 2,6 фоиз банд) ташкил этди. Шунингдек, саноат **5,6 фоизга** (1,4 ф.б), қурилиш ишлари – **4,8 фоиз** (0,3 ф.б) ва қишлоқ хўжалиги **3,8 фоизга** (0,7 ф.б) ўсди.

1-расм. Иқтисодиёт тармоқлари ўсиш суръатлари, фоизда



2-расм. Тармоқ ва соҳаларнинг ЯИМ ўсиш суръатидаги улуши, фоизда




Жорий йилнинг 6 ойида истеъмол нархлари индекси (ИНИ) **3,5 фоизни** (2021 й. – 4,4%, 2022 й. – 6,5%) ташкил этди, бунда, озиқ-овқат **4,1 фоизга**, ноозиқ-овқат – **3,1 фоиз** ва хизматлар **2,9 фоизга** қимматлашди.

Ноозиқ-овқат маҳсулотларидан дори воситалари **6,5 фоизга**, маиший ювиш ва тозалаш воситалари – **5,4 фоиз**, цемент – **4,6 фоиз**, асосий уй-рўзғор буюмлари ва электр жиҳозлари – **3,5 фоиз**, метан ҳамда пропан нархлари мос равишда – **3,2 фоиз** ва **3 фоизга** ошган бўлса, бензин нархи **3 фоизга** пасайиши кузатилди.

2023 йил 1 июль ҳолатига рўйхатдан ўтган юридик шахслар сони **595,6 мингтага** етиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **13 фоизга** ўсди.

Бунда, ўсиш алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида **18,9 фоиз**, ташиш ва сақлаш – **17,1 фоиз**, савдо – **16,4 фоиз**, яшаш ва овқатланиш – **11,6 фоиз** ва саноат тармоқларида **7,3 фоизни** ташкил этди.

3-расм. Рўйхатдан ўтган корхоналар сони ўсиши динамикаси, фоизда



ЯИМ ўсишининг макроиқтисодий омиллари (талаб омили)

2023 йилнинг I ярмида иқтисодий ўсиш қуйидаги талаб омиллар ҳисобига эришилди:

❖ якуний истеъмол **6,9** фоизга ошди, бунда, аҳоли реал даромадлари **6,5** фоизга ошиб, аҳоли жон бошига умумий даромадлар **9,3** млн сўмни ташкил этди.

Шу билан бирга чакана савдо айланмаси **133** трлн сўмни (ўсиши – 6,9%), умумий пул тушумлари (нақд ва терминал) **295,4** трлн сўмни (30,7%), ўртача номинал иш ҳаққи **4,3** млн сўмни (22%) ташкил этди.


❖ давлат бюджети харажатлари **25,3** фоизга (129,1 трлн сўм) ўсди;

❖ асосий капиталга инвестициялар **7,9** фоизга ошди (139 трлн сўм);

❖ экспортнинг номинал ўсиши **23** фоизни (12,1 млрд долл) ва импорт **17** фоизни (17 млрд долл) ташкил этди;

❖ иқтисодиётга кредит қўйилмалари қолдиғи **25,1** фоизга (441,9 трлн сўм) ошди.

4-расм. Ялпи ички маҳсулотни талаб омиллари ўсиш суръати, фоизда



Изоҳ: 2023 йил январ-июнь ойларида ЯИМнинг истеъмол бўйича қутилиши ҳисоб-китоблари Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан амалга оширилиб, I ярим йиллик натижалари Статистика агентлиги томонидан жорий йилнинг сентябрь ойида эълон қилинади.

Асосий капиталга киритилган инвестициялар


2023 йил I ярим йиллигида асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми **139,1 трлн сўм**ни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **7,9 фоиз**га ўсди.

Жумладан, бюджет маблағлари – **9,1 трлн сўм** (ўсиш – **3,6 фоиз**), давлат кафолати остидаги кредитлар – **6,9 трлн сўм** (**6,9%**), тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар – **23,8 трлн сўм**ни (**21,3%**) ташкил этган.

Ўзлаштирилган инвестициялар натижасида **қурилиш ишлари** ҳажмини **68,1 трлн сўм**га (ўсиш – **4,8 фоиз**) етказишга асосий омиллардан бири бўлди.

Бунда, Фарғона (ўсиш – **21,3 фоиз**), Сурхондарё (**9 фоиз**), Самарқанд (**8,2 фоиз**), Тошкент (**8,1 фоиз**), Навоий (**7,2 фоиз**) ва Хоразм вилоятларида (**7 фоиз**) юқори ўсиш кузатилди.

5-расм. Қурилиш ишларининг ўсиш суръати (ҳудудлар кесимида), фоизда




Ташқи савдо айланмаси

Таҳлил даврида **29,2 млрд доллар**ни (ўсиш **19,4%**), олтинсиз товарлар экспорти **5,5 млрд доллар**ни (**2,7 фоиз**) ташкил этди.


Экспорт таркибида машина ва транспорт ускуналари **1,5 бараварга** (**600,0 млн долл**), тайёр маҳсулотлар – **1,2 бараварга** (**625 млн долл**), шу жумладан автобуслар **2,3 бараварга** (**17,8 млн долл**), юк машиналар **3,8 бараварга** (**10,6 млн долл**) ошган.

Мазкур даврда **импорт** ҳажми **17 млрд доллар**ни (ўсиш **17 фоиз**) ташкил қилиб, ўсиш асосан ишлаб чиқаришни рағбатлантирувчи асосий воситалар ва эҳтиёт қисмлар ҳамда ёқилғи маҳсулотлари ташкил этган.

6-расм. Экспорт таркиби кўрсаткичлари, фоизда



7-расм. Импорт таркиби кўрсаткичлари, фоизда



ЯИМ ўсишга тармоқ ва соҳаларнинг таъсири (таклиф омили)

Иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолини зарурий электр энергия билан узлуксиз таъминлаш мақсадида ҳисобот даврида **электр энергия** ишлаб чиқариш ҳажми **38,4 млрд кВт соат** ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **4,4 фоизга** ўсди.

Бунда, аҳолига етказиб берилган электр энергия **10 фоизга**, иқтисодиёт тармоқларига **6,1 фоизга** унинг импорти эса **17 фоизга (2,8 млрд кВт/соат)** ошган.

Шу билан бирга, **табiiй газ** казиб чиқариш ҳажми **23,6 млрд куб м** ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **9,6 фоизга** камайган бўлишига қарамасдан ички исътемомолчилар (*аҳоли ва иқтисодиёт тармоқлари*)ни узлуксиз табiiй газ билан таъминлаш мақсадида олиб борилган чоралар ҳисобига газ импорти ҳажми **2,6 млрд куб метрни (2022 йилда 364 млн куб метр)** ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **7,2 баробарга** ошди.

Натижада ҳисобот даврида иқтисодиётнинг асосий тармоқларида ижобий ўсиш суръатлари кузатилди. Хусусан:

Саноат тармоғида 2023 йил январь-июнь ойларида **293,6 трлн сўмлик** саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб ўтган йилнинг мос даврига нисбатан – **5,6 фоизга** ўсди.

Асосий тармоқларнинг ўсишидаги ҳиссаси металлургияда **0,9 фоиз** банд (ўсиш 3,2 фоиз), кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари **0,9 фоиз** банд (42,1 фоиз), электр ускуналар **0,8 фоиз** банд (50,4 фоиз), электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш **0,7 фоиз** банд (9,9 фоиз), озиқ-овқат маҳсулотлари **0,5 фоиз** банд (6,4 фоиз), тўқимачилик маҳсулотлари **0,4 фоиз** банд (5,4 фоиз), қурилиш материалларини ишлаб чиқариш **0,4 фоиз** бандни (9,4 фоиз) ташкил этди.

Бунда: дизел ёқилғиси – **2,0 баробарга**, авиакеросин – **1,9 баробарга**, аммоний сульфат – **1,4 баробарга**, поливинилхлорид – **1,4 баробарга**, кир ювиш машиналари – **12,1 фоизга**, совутгич ва музлатгичлар – **10,1 фоизга**, телевизор – **9,8 фоизга**, трикотаж маҳсулотлари – **7,5 фоизга**, ип газлама – **5,6 фоизга**, пойабзал ишлаб чиқариш – **12,4 фоизга**, чарм маҳсулотлари – **9,0 фоизга**, гипсокартон – **31,2 фоизга** ва электр энергияси – **4,4 фоизга** ўсди.

Шу билан бирга тармоқнинг ўсишини рағбатлантирувчи омиллар бўлиб қуйидагилар ҳисобланди:

2022 йил июль ойидан маҳсулот ишлаб чиқаришни бошлаган “GTL Uzbekistan” МЧЖда **2,8 трлн сўмлик** саноат маҳсулотлари, жумладан **205** минг тонна дизель ёқилғиси, **117** минг тонна нафта ҳамда **41** минг тонна керосин ишлаб чиқарилди;

“Ўзкимёсаноат” АЖ корхоналарга табиий газ етказиб берилмаганлиги сабабли юзага келган йўқотишларни ўрнини қоплаш мақсадида Россиянинг “Тольяттиазот” ОАЖ корхонасидан **55,3** минг тонна аммиак хом ашёси импорт қилиниб, ундан **64,2** минг тонна аммиакли селитра ўғити (республика бўйича ишлаб чиқарилган аммиакли селитранинг **8 фоизи**) ишлаб чиқарилди;

8-расм: Саноат тармоқлари ўсиш суръатлари, фоизда



Электротехника саноати тармоғи корхоналари томонидан биржа савдолари орқали **42,2** минг тонна ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **1,3 баробар** кўп мис харид қилинди, ҳисобот даврида ишлаб чиқарилган мис хомашёсининг қайта ишлаш даражаси **44,9** фоиздан **59,7** фоизга етди;


ДХШ асосидаги ИЭСлар (АКСА Тошкент ИЭСлар, АКСА Бухоро ИЭС, Женгиз Тошкент ва Сирдарё ИЭСлар, Одаш Хоразм ИЭС ва АКВА Пауер ИЭС) томонидан **4,9** млрд кВт.с ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **3,1** баробарга кўп (*3,3 млрд кВт.сга кўп*) электр энергияси ишлаб чиқарилди;

“Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси корхоналари томонидан аввалги йилларда ишга туширилган қувватлардан самарали фойдаланиш ҳисобига ўтган йилга нисбатан **9,1 млн. кв метр** гипсокартон (*ўсиш – 31,2 фоиз*), **421,0 минг тонна** цемент (*4,4 баробар*), **103,0 минг тонна** цемент (*4,4 баробар*), **7,1 минг тонна** текис металл прокати (*11,1 фоиз*), **6,1 минг тонна** металл уголоклар (*2,3 баробар*), **20,1 минг тонна** пўлат қувур ва трубклар (*47,9 фоиз*), **40 минг кв метр** керамик плитка (*ўсиш – 3,2 фоиз*) каби маҳсулотлар кўп ишлаб чиқарилди;

“Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси томонидан ҳисобот даврида “Kitob Ip Yigiruv” АЖ (*3 млн.дона трикотаж маҳсулотлари*), “Дехқонобод текстиль” МЧЖ (*8 млн дона тикув-трикотаж маҳсулотлари*), “Хўжаобод Фазо-Р” МЧЖ (*8 минг тонна трикотаж мато ва 2,0 млн.дона тайёр тикувчилик маҳсулотлари*), “Инденим текстиль” МЧЖ (*4 млн.дона трикотаж маҳсулотлари*), “Gurlan Gloabal teks” МЧЖ (*2 млн дона трикотаж маҳсулотлари*) лойиҳалари ишга туширилиб, ишлаб чиқаришга жалб этилди.

Ҳудудлар кесимида юқори ўсиш суръатлари Наманган (*7,1%*), Сирдарё (*6,7%*), Қашқадарё (*6,6%*), Самарқанд (*6,4%*), Жиззах (*6,3%*), Сурхондарё (*6,1%*) вилоятларида кузатилди.


9-расм: Ҳудудлар кесимида саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариши ўсиш суръатлари, фоизда



Бозор хизматлари жорий йил I ярим йиликда **212,8** трлн сўмни ташкил этиб ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **12,3** фоизга ўсди.

Бунда, юқори ўсиш суръатлари асосан алоқа ва ахборотлаштириш (22,9 фоиз), молия (22,7 фоиз), таълим (19,5 фоиз), яшаш ва овқатланиш (10,4 фоиз), кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар (9,6 фоиз), транспорт соҳасидаги хизматлар (8,6 фоиз) ҳисобига таъминланган.

10-расм. Бозор хизматлар ўсиш суръати, фоизда




Шу билан бирга, ҳисобот даврида хизматлар соҳасини рағбатлантирувчи омиллар бўлиб қуйидагилар ҳисобланди:

- ❖ тижорат банклари томонидан иқтисодиётга **74** трлн сўмлик (ўсиш 1,3 баробар) кредитлар ажратилди ва пул ўтказмалар ҳажми **21** фоизга ошди;
- ❖ авиакомпанияларнинг ҳаво кемалар парки **14** та самолётга ошди;
- ❖ ҳудудларда **12** мингдан зиёд савдо-сервис объектлари ташкил этилди;
- ❖ “Янги Ўзбекистон” массивлари ва халқаро автомобил йўллари бўйида **950** та лойиҳалар шаклантирилиб **400** дан зиёд савдо-сервис объектлари ташкил этилди;
- ❖ Ўзбекистонга ташриф буюрган чет эл туристлар сони **2 баробарга** ошиб, **3** млн тани ташкил этди;
- ❖ мулк ҳуқуқи асосида **2,5** мингдан ортиқ ер (лот) майдонлари аукцион савдоларига чиқарилди.


Қишлоқ хўжалигида **154,5** трлн сўмлик (ўсиш – **3,8** фоиз) маҳсулот етиштирилиб, ўсиш суръатлари ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **1,1** фоиз бандга тезлашди (2023 йил I чорак 3,2%).

Ҳудудлар кесимида Хоразм (**6,4** фоиз), Наманган (**5,5** фоиз), Сирдарё (**5,4** фоиз) ва Фарғона (**4,5** фоиз) вилоятларида республика кўрсаткичидан юқори ўсиш суръатлари кузатилди.

11-расм. Худудлар кесимида қишлоқ хўжалиги ўсиши, фоизда



12-расм: Асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ўсиши, фоизда



Бунда, ўсиш асосан доннинг **7,3 фоизга** (5,4 млн тн), полиз – **5,8 фоиз** (243 минг тн), мевалар – **5 фоиз** (1 млн тн), картошка – **3,3 фоиз** (1,7 млн тн), гўшт маҳсулотлари – **3,8 фоиз** (1,3 млн тн) ва сўт маҳсулотлари **2,9 фоизга** (5,3 млн тн) ошди.

I. Давлат бюджети даромадларининг ижроси

2023 йилнинг 1-ярим йиллигида Давлат бюджети даромадлари **102,3 трлн сўм**ни ташкил этиб, 2022 йилнинг мос даврига нисбатан **10,2 трлн сўм**га (+11,1 %) кўп бўлди.

Ҳисобот даврида Давлат бюджети даромадлари:


– Солиқ қўмитаси томонидан **76,3 трлн сўм** (жами тушумга нисбатан 74,6 %);

– Божхона қўмитаси томонидан **24,3 трлн сўм** (жами тушумга нисбатан 23,7 %) шакллантирилди.

– Бошқа даромадлар ва солиқ бўлмаган тушумлар **11,4 трлн сўм**ни ташкил қилди ҳамда солиқ тўловчиларга **9,7 трлн сўм** миқдорида қўшилган қиймат солиғи ва кэш-бек суммалари қайтариб берилди.

13-расм

2022-2023 йиллар I ярим йиллиги бўйича Давлат бюджети даромадлари динамикаси



Жорий йил бошида кузатилган совуқ об-ҳаво ва табиий газ билан таъминлашдаги узилишлар ҳамда жаҳон бозоридаги тебранишлар қўшимча даромадларни шаклланишига ҳам салбий таъсир кўрсатди.

Ҳаво ҳароратининг кескин совиб кетиши оқибатида қийинчиликларга дуч келган тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий йил 1 февраль ҳолатига ҳосил бўлган солиқ қарзини 2023 йил 1 мартдан 1 июлга қадар фоизларсиз тенг улушларда бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат берилди.

2023 йилнинг 1-ярим йиллигида Солиқ қўмитаси бўйича тушумлар **76,3 трлн сўм**ни ташкил қилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **5,2 трлн сўм**га (7,4%) ошди.

Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро солиқ инспекцияси бўйича 2023 йилнинг 1-ярим йиллигида тушумлар **43,4 трлн сўмни** ташкил этиб, 2022 йилнинг мос даврига нисбатан **0,2 трлн сўмга** ёки **0,7 фоизга** ошди.


Божхона қўмитаси бўйича тушумлар **24,3 трлн сўмни** ташкил қилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **2,9 трлн сўмга** (13,3%) ошди.

Божхона даромадларининг ошиши импорт ҳажмининг ошиши, божхона имтиёзларининг амал қилиш муддатининг тугаши, божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш, товарларни эркин муомалага чиқаришни тезлаштириш ва божхона маъмуриятчилигининг янги усуллари жорий этиш бўйича божхона органлари томонидан кўрилаётган чора-тадбирлар билан шартланган.

2023 йилнинг 1-ярим йиллигида Давлат бюджети даромадлари таркибида **бевосита солиқлар 32,8 фоизни, билвосита солиқлар 36 фоизни, ресурс солиқлари 12,8 фоизни** ва **бошқа даромадлар 18,4 фоизни** ташкил қилди.

14-расм

2022-2023 йилларда давлат бюджети даромадлари тузилмаси




ҚҚС ставкасининг 15 фоиздан 12 фоизга туширилишига қарамасдан, 2023 йилнинг 1-ярим йиллиги билан 2022 йилнинг мос даврини солиштирганда солиқларнинг Давлат бюджети даромадларидаги улушлари деярли ўзгаришсиз қолди. Бошқа даромадлар ва солиқ бўлмаган тўловларнинг улуши давлат улушига эга корхоналар томонидан тўланадиган дивидендлар ҳисобига ошди.

2022-2023 йилларда солиқ тўловчилар сонининг ўзгариш динамикаси (нафар)

Кўрсаткичлар номи	2022 йил 1 июль	2023 йил 1 июль	2022 йилга нисбати %
1. Асосий солиқ турлари бўйича тўловчилар сони			
Фойда солиғи	156 986,0	175 965,0	12,1
Кўшилган қиймат солиғи	156 926,0	175 965,0	12,1
Аққиз солиғи, жами	4 590,0	4 650,0	1,3
Ер қаъридан фойдаланилганлик учун солиқ	2 054,0	2 105,0	2,5
Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	141 656,0	156 467,0	10,5
Юридик шахслар мол-мулк солиғи	68 673,0	77 287,0	12,5
Юридик шахслар ер солиғи	167 619,0	183 037,0	9,2
2. Солиқ тўловчи жисмоний шахслар			
Даромад солиғи (қатъий белгиланган даромад солиғи тўловчи ЯТТ билан бирга)	5 210 678,0	5 087 012,0	-2,4
Мол-мулк солиғи	7 567 312,0	7 731 873,0	2,2
Ер солиғи	6 657 713,0	6 794 600,0	2,1

Бевосита солиқлар бўйича 2023 йилнинг 1-ярим йиллигида давлат бюджетига жами **33,6 трлн сўм** келиб тушди, ушбу кўрсаткич 2022 йилнинг мос даврига нисбатан **2,5 трлн сўмга** ёки **7,9 фоизга** кўп бўлди.

15-расм



2023 йилнинг 1-ярим йиллигида **фойда солиғи** бўйича тушумлар **18,1 трлн сўмни** ташкил этди.

Шунингдек, фойда солиғи бўйича бир қанча имтиёзлар жорий этилди.

Ҳусусан, 2023 йил 1 январдан 5-тоифадаги туманларда рўйхатдан ўтган ва шу ҳудудларда фаолият юритадиган тадбиркорлик субъектлари фойда солиғини **1 фоиз** миқдоридаги солиқ ставкалари бўйича тўлаши жорий қилиниши натижасида жорий йилнинг I ярим йиллик даврида тадбиркорлар ихтиёрида **197,7 млн сўм** маблағ қолди.

Товар айланмаси 1 млрд сўмдан ошган кичик бизнес тоифасига кирувчи тадбиркорлар учун 1 йил давомида, кичик бизнесдан ўрта бизнес тоифасига ўтган тадбиркорлар учун 2 йил давомида фойда солиғи ставкасини 2 бараварга пасайтириш имкони берилди. Натижада жорий йилнинг I ярим йиллик даврида тадбиркорлар ихтиёрида **10,7 млрд сўм** маблағ қолган.

Экспорт қилишдан олинган даромадлар ҳажмининг улушидан қатъий назар, экспорт қилинган товарлар (хизматлар) қисмига нисбатан фойда солиғини ноль даражали солиқ ставкаси қўлланилиши натижасида, экспорт фаолияти учун даромад улуши 15 фоиздан кам бўлган **1329 та** корхона **848,0 млрд сўм** фойдасига ноль ставка қўллаган ҳолда **124,9 млрд сўм** имтиёздан фойдаланган.

Фойда солиғи тўловчилар сони 2023 йилнинг 1-ярим йиллигида **176** мингтани ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **19 мингтага** ёки **12,1 фоизга** ошди.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тушумлари 2023 йилнинг 1-ярим йиллигида **14,4 трлн сўмни** (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **3,1 трлн сўмга** ошди), жумладан, **қатъий белгиланган миқдорда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи** бўйича тушумлар 2023 йилнинг 1-ярим йиллигида **211,1 млрд сўмни** ташкил этиб, 2022 йилнинг мос даврига нисбатан **15,7 млрд сўмга (+8,1%)** ошди.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича тушумларнинг ўсишига иқтисодиётнинг барча секторларида ходимлар сони ошиши, меҳнатга ҳақ тўлаш фондини легаллаштириб борилиши, иш ҳақи миқдорларининг ошиши каби омиллар ижобий таъсир кўрсатди.


2023 йилнинг 1-ярим йиллигида **айланмадан олинадиган солиқ бўйича** тушумлар **1,1 трлн сўмни** ташкил этди.

Айланмадан олинадиган солиқ тўловчилар сони 2023 йилнинг 1-ярим йиллигида **367,4 мингтани** ташкил этиб, 2022 йилнинг мос даврига нисбатан **3,1 мингтага** ошди.

Билвосита солиқлар бўйича тушумлар 2023 йилнинг 1-ярим йиллигида **36,9** трлн сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **2,1** трлн сўмга ёки **5,9** фоизга ошди.

16-расм

2022-2023 йилларнинг I ярим йиллигида билвосита солиқлар динамикаси




Қўшилган қиймат солиғи ставкаси **15** фоиздан **12** фоизга пасайтирилишига қарамасдан солиқ ва божхона маъмурчилигида амалга оширилган ислохотлар натижасида тушумлар ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ошди.

2023 йил I ярим йиллигида солиқ органлари томонидан **15,8** трлн сўмни (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 36 млрд сўм кўп) божхона органлари томонидан **18,9** трлн сўмни (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **639** млрд сўм кўп) ҚҚС бўйича тушумлар ундирилиши таъминланган, бундан ташқари солиқ тўловчиларга **8,9** трлн сўм маблағлар қоплаб берилган.

17-расм

2022-2023 йилларнинг I ярим йиллигида қўшилган қиймат солиғи динамикаси



2023 йилнинг 1-ярим йиллигида **қўшилган қиймат солиғи** тушумлари (Солиқ ва божхона қўмиталари тушумлари) **34,7 трлн сўмни** ташкил қилди, бу 2022 йилнинг мос даврига нисбатан **675,2 млрд сўмга** (102,0%) кўпдир.

Шунингдек, 2023 йил 1 майдан бошлаб «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»га киритилган жисмоний шахслар товарларнинг чакана савдо объектларида харидини амалга оширганда харид суммасида тўланган қўшилган қиймат солиғи суммаси республика бюджетидан қайтариш жорий қилинди.

ҚҚСдан манфий фарқни қоплаш учун 2023 йилнинг 1-ярим йиллигида давомида тадбиркорлик субъектларига **8,9 трлн сўм** миқдорида маблағлар қайтарилди (*ҚҚС тушумларига нисбатан 25,6%*). Солиштириш учун, 2022 ва 2021 йилларнинг мос даврида ушбу мақсадларда жами **8,3 трлн сўм** ва **7,6 трлн сўм** маблағлар мос равишда солиқ тўловчиларга қайтарилган.

Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекцияси маъмурчилигидаги корхоналарга товарларни импорт қилишда ва товарларни (хизматларни) реализация қилишда тўланадиган қўшилган қиймат солиғи суммаларини ўзаро ҳисобга олиш имкониятидан **69 та** йирик солиқ тўловчи корхоналар фойдаланиб, **1,1 трлн сўм** маблағлар ўзаро ҳисобга олинди.

Солиқ ва божхона имтиёзларини бекор қилиш ҳисобига тенг рақобат муҳитини яратиш ҳамда қўшилган қиймат солиғини йиғиш маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича кўрилаётган чоралар ҚҚС самарадорлигини ошириш имконини берди.

2023 йилнинг 1-ярим йиллигида ҚҚС бўйича тушумларнинг ўсиши иқтисодий фаолликнинг ошиши, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштирилиши билан бир қаторда, солиқ тўловчилар сонининг ортиб бориши билан шартланади. 2023 йилнинг 1-ярим йиллигида солиқ тўловчилар сони **175,9 мингтани** ташкил этиб, 2022 йилнинг мос даврига нисбатан **19,0 мингтага** ёки **12,1 фоизга** ошди.

Жорий йилнинг 1-ярим йиллигида **божхона органлари** томонидан ҚҚС бўйича давлат бюджетига тушумларнинг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **3,5 фоизга** кўпроқ ундирилиши таъминланди.

2023 йилнинг 1-ярим йиллигида **акциз солиғи** тушумлари **7,0 трлн сўмни** ташкил этди, ўтган йилги тушумларга нисбатан **455,1 млрд сўмга** ошди.

Жорий йилнинг 1-ярим йиллигида **солиқ органлари** томонидан йиғилган акциз солиғи тушумлари **6,7 трлн сўмни** ташкил этиб, олдинги йилга нисбатан **313,6 млрд сўмга** кўп бўлди.

Акциз солиғи тушумлари жорий йилда қуйидагича кўринишда бўлди:

– алкоголь маҳсулотлари (пиво маҳсулотлари билан бирга) – **968,1 млрд сўм**;

– тамаки маҳсулотлари – **1 019,8 млрд сўм**;

– нефт маҳсулотлари – **164,4 млрд сўм**;

– табиий газ – **2 460,7 млрд сўм**;

– поллиэтилен маҳсулотлари – **118,7 млрд сўм**;

– мобил алоқа хизматлари – **392,6 млрд сўм**;

– бензин, дизель ёқилғиси ва газни охириги истеъмолчига реализация қилишдаги акциз солиғи – **1 583,9 млрд сўм**.

Алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқаришда акциз солиғи, акциз тўланадиган маҳсулот таркибидаги этил спиртининг улушидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқариш тартиби жорий қилинганлиги, шунингдек спирт маҳсулоти учун солиқ ставкаси 2023 йилдан “литр” учун ҳисобланиши жорий этилиши муносабати билан давлат бюджетига **222,5 млрд сўм** маблағ тушди.

Шунингдек тамаки маҳсулотлари тушумлари 2023 йилнинг I ярим йиллигида 1 трлн сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **110,1 млрд сўмга** (ўсиш 12%) ошди.

2023 йил 1 мартдан 2023 йил 31 декабрга қадар импорт қилинадиган, маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган ва тадбиркорлик субъектлари томонидан якуний истеъмолчиларга сотиладиган АИ-80 русумли автобензин маҳсулоти учун акциз солиғининг «ноль» ставкаси белгиланиши натижасида жорий йил I ярим йиллик давр мобайнида аҳоли ва тадбиркорлар ихтиёрида 2023 йилда қарийб **598 млрд сўм** маблағ қолди.

Божхона органлари маъмурчилигида акциз солиғи тушумлари **293 млрд сўмни** ташкил этди ҳамда 2022 йилнинг шу даврига нисбатан **141,5 млрд сўмга** ошган.

2023 йилнинг I ярим йиллигида акциз солиғи шакар маҳсулотлари импортидан **80,3 млрд сўм** (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 68,9 млрд сўмга кўп), полимер маҳсулотлари импортидан **72,9 млрд сўм** (40 млрд сўмга кўп), нефть юқори октанли бензин маҳсулотлари импортидан **43 млрд сўм** (30,7 млрд сўмга кўп), тамаки маҳсулотлари импортидан **12,7 млрд сўм** ундирилди.

Божхона божи. 2023 йилнинг 1-ярим йиллигида божхона божи тушуми **4,1 трлн сўмни** ташкил этди ёки 2022 йилнинг мос даври билан солиштирганда **1,5 млрд сўмга** ёки **158,0 фоизга** ошди.

Божхона даромадларининг ошиши асосан импорт ҳажмининг ошиши, айрим божхона имтиёзларининг амал қилиш муддатининг тугаши, божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш, расмийлаштирув жараёнининг тезлашиши ва божхона маъмуриятчилигининг янги усулларини жорий этиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар билан боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Истеъмол бозорларида нархлар барқарорлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонига кўра, 2024 йил 1 январга қадар **36 турдаги товарлар** божхона божидан озод этилди. Жорий йилнинг январ-июнь ойлари мобайнида ушбу товарларга божхона божи бўйича **399 млрд сўм** миқдорида имтиёз қўлланилган.

- 2023 йил 1 февралдан 2024 йил 1 январга қадар бўлган даврда айрим мебель ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган хом ашё, эҳтиёт қисмлар, фурнитура ва аксессуарлар импортида божхона божининг ноль ставкаси қўлланилиши белгиланди. Тадбиркорлик субъектларига ушбу қарорга мувофиқ **19,5 млрд сўм** божхона божидан имтиёзлар қўлланилган.

Бундан ташқари, ушбу Фармонга асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 31 майдаги ПФ-145-сон Фармонига мувофиқ берилган **23 турдаги** товарларни импорт қилишда божхона божининг ноль ставкасининг амал қилиши **2024 йил 1 январга қадар** узайтирилди.

Жорий йилнинг январ-июнь ойлари мобайнида ушбу товарларга (гўшт, балиқ, сут маҳсулотлари, цитрус мевалар, чой, ун ва бошқалар) божхона божи бўйича **558,6 млрд сўм** миқдорида имтиёз қўлланилган.

Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий муносабатларда энг кўп қулайлик бериш режимини жорий қилган давлатлар рўйхатига кирмаган мамлакатларда ишлаб чиқарилган товарлар республикамизга олиб кирилганида божхона божининг икки баравар ставкаси қўллашга доир тартиб 2024 йил 1 январга қадар узайтирилди.

Ўзбекистон ҳозирга қадар 47 та давлат билан савдо-иқтисодий муносабатларда энг кўп қулайлик бериш режимини жорий қилган. Ушбу 47 та давлат рўйхатига кирмаган мамлакатларда ишлаб чиқарилган товарлар республикага олиб кирилганда божхона божининг икки баравар ставкаси қўлланилар эди.


Жорий йилнинг 1-ярим йиллигида **ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғи бўйича** умумий тушумлар **13,1 трлн сўм**ни ташкил этиб, 2022 йилнинг мос даврига нисбатан солиштирганда **858,3 млрд сўмга** кўп.

2023 йилнинг 1-ярим йиллигида ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғи бўйича даромадларнинг асосий улуши, яъни **54,2 фоизи ер қаъридан фойдаланганлик учун солиққа** тўғри келади.

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ бўйича тушумлар 2023 йилнинг 1-ярим йиллигида **7,1 трлн сўмни** ташкил этди.

18-расм

2022-2023 йилларнинг I ярим йиллигида ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғи динамикаси



2023 йилнинг 1-ярим йиллигида **мол-мулк солиғи ва ер солиғи бўйича** тушумлар **5,6 трлн сўмни** ташкил этди. Шундан мол-мулк солиғи бўйича – **2,6 трлн сўм**, ер солиғи бўйича – **3,1 трлн сўмни** ташкил қилди.

Мол-мулк солиғи бўйича тушумларнинг ошиши юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган пасайтирилган солиқ ставкаси 2023 йилда 0,5 фоиздан 0,6 фоизга ўзгартирилиши билан изоҳланди. Юридик шахслар учун пасайтирилган солиқ ставкаси 2020 йилдан бошлаб илгари солиқ имтиёзлари берилган объектлар бўйича жорий этилган эди. Ушбу пасайтирилган ставкаларнинг оширилиши ҳисобига қўшимча бюджетга **48,8 млрд сўм маблағ** йўналтирилган.

Шунингдек, линияли объектлар ва бошқа объектлар эгаллаган ер участкалари учун пасайтирилган солиқ ставкасининг **0,3 фоиздан 0,4 фоизга** оширилиши натижасида давлат бюджетига қўшимча **35,8 млрд сўм** тушиши таъминланган;

2023 йилнинг 1-ярим йиллигида **сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича** тушумлар **352 млрд сўмни** ташкил этди.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича тушумларнинг ошиши сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича солиқ ставкалари 10 фоизга, иқтисодиётнинг айрим тармоқлари учун эса – 30 фоизга индексация қилиниши ҳисобига давлат бюджетига қўшимча **21,2 млрд сўм** ундирилиши таъминланган.

Давлат бюджетининг бошқа даромадлари ва солиқсиз тушумлари жорий йилнинг 1-ярим йиллигида **18,7 трлн сўмни** (2022 йилнинг 1-ярим йиллигига нисбатан **135,2 фоиз**) ташкил этди. Ҳисобот даврида бошқа даромадлар ва солиқ бўлмаган тўловларнинг асосий улуши (58,3%) давлат улушига эга корхоналар томонидан тўланадиган дивидендлар ҳисобига тўғри келди ва **10,9 трлн сўмни** ташкил этди.

Қолган даромадлар, хусусан, қуйидагиларни ўз ичига олади:


- давлат активларини хусусийлаштиришдан маҳаллий бюджетларга тушумлар – **0,3 трлн сўм** (2022 йилнинг мос даврида 0,2 трлн сўм);
- давлат божи – **1,3 трлн сўм** (1,2 трлн сўм);
- жарималар – **0,9 трлн сўм** (0,7 трлн сўм);
- йиғимлар – **0,8 трлн сўм** (0,7 трлн сўм).

II. Давлат бюджетининг харажатлари ижроси

Давлат бюджетининг 2023 йил I ярим йиллик якунлари билан харажатлари **129,1 трлн сўмни** аниқланган режа кўрсаткичларига нисбатан **92,5 фоиз** ёки ЯИМ га нисбатан **27,5 фоизни** ташкил этди.

19-расм

Давлат бюджети харажатлари



Давлат бюджетидан **45,5 трлн сўмлик** иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлари ҳамда **8,9 трлн сўмлик** иш ҳақиға нисбатан ажратмалари ўз муддатларида тўлиқ молиялаштирилиши таъминланди.

Ҳисобот даврида **ижтимоий харажатларни молиялаштириш** учун Давлат бюджетидан **64,4 трлн сўм** ёки умумий харажатларнинг **50,0 фоизи** миқдориди маблағ сарфланди. Бу харажатлар **ЯИМ га нисбатан 13,7 фоизни** ташкил этди. Ушбу харажатларнинг 58,1 трлн сўми (**90,1 фоиз**) **Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари**, 5,9 трлн сўм (**9,3 фоиз**) бюджетдан ташқари **Пенсия жамғармасига трансфертлар** ва 362,6 млрд. сўм (**0,6 фоиз**) **аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастурларини молиялаштириш учун харажатлар** ҳиссасига тўғри келди.

Ижтимоий харажатларнинг асосий қисмини ташкил этган **таълим тизими муассасаларини** сақлаш ва уларни ривожлантириш харажатларига Давлат бюджетидан **30,1 трлн сўм** ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **6,2 трлн сўм** кўп маблағ йўналтирилди.


2-жадвал

2022-2023 йил 1-ярим йиллигида таълим соҳасига ажратилган маблағлар


Т/р	Кўрсаткичлар	2022 йил 1-ярим йиллик, млрд. сўм	2023 йил 1-ярим йиллик, млрд. сўм	Ўзгариши (фоизда)
1	Мактабгача таълим	4 479,9	5 222,5	16,6
2	Умумий таълим	16 978,4	20 888,9	23,0
3	Олий ва ўрта махсус таълим	2 439,0	3 979,9	63,2
Жами		23 897,3	30 091,4	25,9

Бошқа соҳалар каби таълим тизимида фаолият олиб бораётган ходимларнинг иш ҳақи тўловларини тўлиқ ва ўз вақтида тўлаб берилишига катта эътибор қаратилди ва бу харажатлар учун давлат бюджетидан қарийб **18,7 трлн сўм** сарфланди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 23 фоизга ўсган.

20-расм
Таълим соҳасига иш ҳақи тўловлари учун ажратилган маблағлар



Давлат бюджети харажатларининг 2023 йил 1 ярим йиллик ижроси



Мактабгача таълим соҳаси бўйича: 2023 йилнинг биринчи ярим йиллигида ушбу соҳага жами **5 222,5 млрд сўм** маблағ ажратилди. Шундан республика бюджетидан **2 359,1 млрд сўм** ҳамда маҳаллий бюджетлар ҳисобидан **2 863,4 млрд сўм** маблағ ажратилган.

Бунда:

2 806,0 млрд сўм - иш ҳақи ва иш ҳақидан ажратмалар;

2 416,5 млрд сўм - бошқа харажатлар, шундан:

1 280,0 млрд сўм давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этилган мактабгача таълим муассасаларига бюджет субсидиялари учун;

41,0 млрд сўм Мактабгача таълимни ривожлантириш жамғармаси харажатлари.



ДХШ асосида ташкил этилган МТТга субсидиялар: 2023 йилнинг биринчи ярим йиллигида нодавлат ҳамда давлат-хусусий шериклик шаклидаги мактабгача таълим ташкилотларини қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга қатновчи **720,0 мингдан ортиқ** тарбияланувчилар учун давлат бюджетидан **1 280,0 млрд сўм** маблағлар ажратилиб ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **189,4 млрд сўмга** ортган.

Жумладан:

давлат-хусусий шерикчилик шаклидаги НМТТ ташкилотлардаги бир нафар тарбияланувчига сарфланадиган сумманинг **50 фоизигача** миқдорда ажратиладиган бюджет субсидиялари учун **120,7 млрд сўм**;

хусусий шерик мулки негизида ташкил этилган НМТТ раҳбари, методисти, дефектологи, психологи, мусиқа раҳбари ҳамда тарбиячи ходимларига иш ҳақи тўлаб бериш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун **29,5 млрд сўм**;

оилавий НМТТ тарбиячи ва ёрдамчи хизматларига иш ҳақи тўлаш ҳамда давлат мактабгача таълим ташкилотлари учун амалда белгиланган нормалар бўйича озиқ-овқат, юмшоқ ашё ва анжомлар ҳамда дори-дармонларга сарфланадиган харажатларни қоплаш учун **1 129,9 млрд сўм**.

Болаларни мактабгача таълим тизими билан қамраб олиш даражаси

2023 йилнинг биринчи ярим йилликда республикамиздаги 3-7 ёшдаги болалар сони **2 930,8 мингтани** ташкил этган бўлса, уларнинг **2 111,5 мингтаси** яъни, **72 фоизи** мактабгача таълим тизими билан қамраб олинди.

Шундан, давлат мактабгача таълим ташкилотларида – **1 343,6 минг нафар**;
нодавлат мактабгача таълим ташкилотларида – **767,9 минг нафар**.

*Маълумот учун: 2022 йил биринчи ярим йиллигида давлат мактабгача таълим ташкилотлари сони **6 412 тани** ташкил этган бўлса, 2023 йил биринчи ярим йиллигида **6 734 тани** ташкил этган, яъни **322 та** давлат мактабгача таълим ташкилоти ташкил этилган.*

Умумтаълим соҳаси бўйича 2023 йил биринчи ярим йиллик якунлари билан **20,9 трлн сўм** молиялаштирилди.

Жумладан:

иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ҳамда иш ҳақига ажратмалар учун **19,2 трлн сўм**;

бошқа харажатлар учун **1,7 трлн сўм** молиялаштирилди.

Йўналишлар кесимида:

Бошланғич ва ўрта мактабларга **17 284,1 млрд сўм**;

Махсус мактабларга **48,3 млрд сўм**;

Мактаб-интернатларга **258,5 млрд сўм**;

Жисмоний ёки психик ривожланишда нуқсонли бўлган болалар учун мактаб-интернатларга **557,6 млрд сўм**;

Меҳрибонлик уйларига **21,6 млрд сўм**;

Болалар маҳаллаларига **4,8 млрд сўм** молиялаштирилди.

Ўзбекистон Республикасида “Кадрлар тайёрлаш” тизимининг 2023 йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларини сақлаш ҳамда таълим олувчиларга қулай шарт-шароитлар яратилишини таъминлаш мақсадида Давлат бюджетидан **1016,8 млрд сўм** маблағ йўналтирилган.

Шундан, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларининг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар учун **855,8 млрд сўм** маблағлар сарфланди.



Ўрта махсус ва профессионал таълим соҳасида **2023** йил биринчи ярим йиллиги давомида жами **789 та** таълим муассасалари фаолият юритиб келаётган бўлиб, ушбу таълим муассасаларида **430 минг** нафар ўқувчи ёшларга **74,1 минг** нафар ишчи ходим (*шундан, 30,4 минг нафар педагог ходим*) хизмат кўрсатиб келмоқда.

2023 йил 1-ярим йилликда Олий таълим соҳаси, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш муассасаларини сақлаш харажатларига **2 371,9 млрд сўм** маблағ сарфланди.

Олий таълим муассасаларини жорий сақлаш харажатлари **2 014,4 млрд.сўмни**, кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш муассасаларини сақлаш ва тадбирларини молиялаштириш харажатлари – **161,7 млрд.сўмни**, кадрларни тайёрлаш бўйича бошқа харажатлар – **26,7 млрд.сўмни** ташкил этди.

3-жадвал

Кўрсаткичлар	Ижро (млрд сўм)	Жамига нисбан фоизда
Ҳаммаси	3 494,3	100
Ноёб илмий объектлар ва илмий муассасаларни сақлаш харажатлари	339,1	9,7
Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармасига ажратилган маблағлар	246,9	7,1
Давлат архивларини сақлаш харажатлари	31,6	0,9
Фан соҳасига бошқа харажатлар	112,5	3,2
Олий таълим муассасаларини сақлаш харажатлари	2 014,4	57,6
Кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш муассасаларини сақлаш харажатлари	161,7	4,6
Кадрларни тайёрлаш бўйича бошқа харажатлар	26,7	0,8
Таълим кредитини молиялаштириш жамғармасига трансфертлар	515,0	14,7
Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармасига трансфертлар	46,4	1,3

2023 йил 1-ярим йилликда **Таълим кредитини молиялаштириш жамғармаси** маблағлари ҳисобидан **56 534 нафар** талабаларга ажратилган имтиёзли таълим кредитларига жами **543,2 млрд сўм** миқдорида маблағ ажратилди.

2023 йил 1-ярим йилликда Таълим кредитини молиялаштириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан **479,3 млрд сўм** миқдорида **49 800 нафарга** яқин талаба хотин-қизларга фоизсиз таълим кредитлари молиялаштирилди, талаба хотин-қизларга ажратилган таълим кредитлари учун ҳисобланган **19 млрд сўм** фоиз маблағлари тўлаб берилди.

Уйда ижара ҳуқуқи асосида яшайдиган олий таълим муассасалари талабаларига 2023 йил 1-ярим йилликда **74,4 млрд сўм** миқдорида қарийб **41 300 нафар** талабаларга бюджет ҳисобидан **компенсация** маблағлари тўлаб берилган.

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг талабномалари асосида **13 та талабалар турар жойларини** барпо этиш учун **86,6 млрд сўм** ажратилди.

2022/2023 ўқув йилидан бошлаб давлат олий таълим муассасалари **магистратурасида** таҳсил олаётган **хотин-қизларнинг** тўлов-контракт миқдори Давлат бюджетидан **қайтариш шартсиз қоплаб бериш** тизими жорий этилган бўлиб, 2022-2023 ўқув йилида давлат олий таълим муассасалари магистратурасида таҳсил олаётган **14 269 нафар** хотин-қизларнинг **85,1 млрд сўм** миқдорида иккинчи ярим йиллик тўлов-контракт миқдори тўлаб берилди.

Фан соҳасига жорий йилнинг 1-ярим йиллигида **751 млрд.сўм** ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **53 млрд сўм** кўп маблағ ажратилган.

Маданият соҳасига 2023 йил 1-ярим йиллик давомида маданият соҳасига **1 095,0 млрд сўм** ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **212 млрд сўм** кўп маблағ ажратилди.

Бунда, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларга **522,6 млрд сўм**, бошқа харажатларга **572,5 млрд сўм** маблағ ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Маданий мерос агентлиги фаолиятини ташкил этиш ҳамда соҳани инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 19 июндаги ПҚ-5150-сонли қарорига асосан маданий мерос объектларида асрашга доир ишларни амалга ошириш учун жорий йилнинг олти ойлигида республика бюджетидан **8 670,3 млн сўм** маблағлар ажратилган.

**2023 йил 1-ярим йилликда маданият соҳасига йўналтирилган
маблағлар**

Харажатлар йўналиши	Касса харажати (млрд сўм)	Жамига нисбатан фоизда
ЖАМИ	1 095,0	100
Ахборот-кутубхона марказлари ва кутубхоналарни сақлаш харажатлари	95,0	8,7
Музейлар, кўрғазмалар ҳамда кўрғазма залларини сақлаш харажатлари	47,1	4,3
Маданият саройлари ва марказларини сақлаш харажатлари	118,9	10,9
Театрлар, мусиқа жамоалари, концерт томоша муассасалари харажатлари	177,8	16,2
Телевидение, матбуот ва радио хизматлари харажатлари	221,0	20,2
Кинематография агентлиги, “Қорақалпоқкино” агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бўлимларини сақлаш харажатлари ҳамда давлат буюртмасига асосан миллий кино маҳсулотларини яратиш учун харажатлар	42,2	3,9
Бошқа маданий чора-тадбирлар ва муассасалар харажатлари	393,1	35,9


Бугунги кунда, 2022 йилда реставрация ишлари бошланган **55 та** маданий мерос объектларида реставрация тиклаш ишлари давом этмоқда.

Жумладан, Хоразм вилояти Хива туманида жойлашган XIX асрларга доир архитектура ёдгорликлари “Чодра ҳовли” маданий мерос объекти ва Исломхўжа ёзги қароргоҳи, Бухоро шаҳрида жойлашган Масжиди Калон масжид мажмуси ҳамда шу каби бошқа маданий мерос объектларида реставрация тиклаш ишлари амалга оширилмоқда.

Масжиди Калон мажмуаси



Исломхўжа ёзги қароргоҳи (ташқи кўриниши)



Исломхўжа ёзги қароргоҳи (хоналар)



Ўз навбатида, жорий йилда 158 та маданий мерос объектларида илмий техник тадқиқот ишлари ўтказиш, лойиҳа смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда реставрация, тиклаш ишларини амалга ошириш белгиланган бўлиб, 2023 йил олти ойликда 100 та маданий мерос объектларининг лойиҳа ҳужжатлари Илмий-эксперт кенгаши томонидан кўриб чиқишга тақдим этилган ҳамда экспертлар кенгашининг ижобий хулосасига асосан лойиҳа смета ҳужжатлари ишлаб чиқилган. Бугунги кунда, мазкур маданий мерос объектларида реставрация, тиклаш ишлари бошланмоқда.

Давлат буюртмасига асосан миллий кино маҳсулотларини яратиш учун жорий йил 1-ярим йилликда **49,3 млрд.сўм** маблағ ажратилган. Ушбу маблағлар **9 та** бадиий фильм, **13 та** ҳужжатли фильм, **1 та** қисқа метражли фильм, **2 та** видеоролик, **2 та** фильм дубляжи ҳамда **6 та** фильмларнинг пиари учун йўналтирилди.

Спорт соҳасига ҳисобот даврида Давлат бюджетидан жами **1 184,4 млрд сўм** маблағ ажратилди.

Шундан республика бюджетидан **304,8 млрд сўм** ҳамда маҳаллий бюджетлар ҳисобидан **879,5 млрд сўм** маблағ ажратилган.

Шунингдек, спорт соҳасига ажратилган маблағларни соҳалар кесимида қуйидаги жадвал орқали кўриш мумкин.

5-жадвал

Спорт соҳасига ажратилган маблағларни соҳалар кесимида ижроси

Харажатлар йўналиши	Сумма (млрд.сўм)	Улуши (фоизда, %)
ЖАМИ	1 184,4	100
Спорт мактабларини сақлаш харажатлари	574,2	48,5
Ихтисослаштирилган спорт мактабларини сақлаш харажатлари	189,7	16,0
Олимпия ва паралимпия ўйинларига самарали тайёргарлик кўриш харажатлари	135,5	11,4
Спорт ва оммавий жимоний тарбия тадбирларининг календарь режаси	137,0	11,6
Олий спорт маҳорат мактабларининг сақлаш харажатлари	55,9	4,7
Футбол академияларини сақлаш харажатлари	42,9	3,6
Федерация ва ассоциацияларни қўллаб-қувватлаш харажатлари	22,1	1,9
Чавандозлар мактабларини сақлаш харажатлари	17,3	1,5
Ўзбекистон “Ёшлик” жисмоний тарбия ва спорт жамияти сақлаш харажатлари	5,4	0,5
Бошқа спорт муассасалари ва тадбирлари харажатларига	4,4	0,4

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумат қарорларига асосан тасдиқланган спорт соҳасига доир дастурлар ва марказлашган тадбирларга зарур маблағлар молиялаштирилган. Жумладан:

1. 2023 йил 6-ойлик ижроси бўйича спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг республика календарь режаси учун **74,1** млрд сўм маблағ молиялаштирилди. Жумладан:

спорт тадбирлари учун **42,9** млрд сўм;



Маълумот учун: мазкур спорт тадбирларига ажратилган мабалағлар ҳисобига 2023 6-ойлик давомида жами 444 та турли даражадаги спорт мусобақалари ўтказилган бўлиб, шундан 472 та медаль (222 та олтин, 100 та кумуш ва 150 та бронза медаллари) қўлга киритилди.

Ўзбекистон футбол ассоциациясини қўллаб-қувватлаш харажатлари учун **12,5** млрд сўм;

Ўзбекистон кураш федерациясини қўллаб-қувватлаш харажатлари учун **5,0** млрд сўм;

Спорт мактабларни спорт жиҳозлари билан таъминлаш харажатлари учун **4,1** млрд сўм;

Жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга жалб қилиш харажатлари учун **3,9** млрд сўм;

Терма жамоа ҳамда уларнинг заҳираси спортчиларни ва тренерларининг энергия сарфларини қоплаш ва жисмоний ресурсларни тиклаш харажатлари учун **2,9** млрд сўм;

бошқа харажатлар **2,8** млрд сўм молиялаштирилди.

2. Олимпия ва Паралимпия ўйинларига Ўзбекистон миллий терма жамоаси спортчиларини тайёргарлик кўриш, спорт федерация (уюшмалар)ларига ҳомийлик тушумларини камайганлиги ҳисобига уларнинг сақлаш харажатлари, жалб қилинган хорижий мутахассисларнинг ойлик маошлари, миллий терма



жамоа спортчиларининг стипендия харажатлари, спорт инвентарлари ва анжомлар харид қилиш ва бошқа харажатларни қоплаш мақсадида Ўзбекистон Миллий Олимпия ва паралимпия қўмиталарига 2023 йил 6-ойлик ижроси бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан **135,5** млрд сўм маблағ молиялаштирилди.

Жумладан:

13,6 млрд сўм – Ўзбекистон Миллий Олимпия ва паралимпия кўмиталари ва федерациялар (уюшмалар)нинг маъмурий устав харажатларига (иш ҳақи ва сақлаш харажатлари);

10,3 млрд сўм – спортчилар ва тренерларга тўланадиган стипендия харажатларига;

7,2 млрд сўм – Хорижий мутахассисларнинг иш ҳақи ва бошқа харажатлари;

5,8 млрд сўм – Спорт инвентарлари ва анжомларини харид қилиш харажатлари;

5,0 млрд сўм – Терма жамоа спортчиларини тиббий куриқдан ўтказиш ва фармакология харажатлари.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 ноябрдаги ПҚ-5282-сон қарорига мувофиқ спорт инфратузилмаси мавжуд бўлмаган чекка қишлоқ ҳудудларида юриш, югуриш, мини-футбол, бадминтон, стритбол ва “Workout” спорт майдончаларини ташкил этиш харажатлари учун 2023 йил 6-ойликда **25 млрд сўм** маблағ молиялаштирилди.



Мазкур ажратилган маблағлар ҳисобига 2023 йилда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида жами **102 та** спорт майдончалари қуриш ишлари амалга оширилди, шундан 102 тасида қурилиш ишлари тўлиқ якунланди ва фойдаланишга топширилди.

Соғлиқни сақлаш соҳасига 2023 йил I ярим йилликда Давлат бюджетидан **14 618,1 млрд сўм** ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **2 839,2 млрд сўмга** ёки **24,1 фоизга** кўп маблағлар ажратилган.



Соғлиқни сақлаш тизимидаги муассаса ва ташкилотларда меҳнат қилаётган ходимларнинг иш ҳақи ва ўнга тенглаштирилган тўловларни ҳамда иш ҳақига ажратмаларни молиялаштиришга 2023 йил I ярим йилликда **10 468,9 млрд сўм** йўналтирилди.

Шунингдек, бошқа (IV-гурух) харажатларига 2023 йил 1-ярим йилликда жами **4 149,2 млрд сўм** ижроси таъминланди.

Жумладан:

- озиқ-овқат учун – **331,0 млрд сўм**;
- дори-дармон ва зарарсизлантирувчи воситалар учун – **1 031,0 млрд сўм**;
- тиббий асбоб-ускуналар ва бошқа техника воситалари учун – **153,1 млрд сўм**;

Тиббиёт муассасаларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси харажатлари учун **507,2 млрд.сўм** ажратилган ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 47 фоиз кўп маблағлар ажратилган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумат қарорларига асосан тасдиқланган соғлиқни сақлаш соҳасига доир Давлат дастурлари ва марказлашган тадбирларга 2023 йил 1-ярим йилликда **474,3 млрд сўм** ижроси таъминланган. Жумладан, йирик дастурлардан:

Болаларни вакцинация қилиш билан боғлиқ харажатларига 2023 йил 1-ярим йилликда **196,5 млрд сўм** ажратилди. Иммунизация миллий дастурига асосан вакцина билан эмланадиган болалар сони 2023 йилда режа 12 миллион нафар болани ташкил этиб, 1-ярим йил якунлари бўйича режа 7,9 миллион нафар болага ёки 66 фоизга бажарилган.




Онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган беморларни соғломлаштиришга кўмаклашиш жамғармасига жорий йилнинг 6 ойи давомида **23,7 млрд сўм** ажратилди.



Мазкур дастур доирасида 2023 йилнинг 1-ярим йиллиги давомида 11 нафар бола даволаш қийин бўлган жарроҳлик амалиётини ўтказиш учун чет элга даволанишга юборилган.

нефрология ва гемодиализ ёрдами кўрсатиш учун харажатларини




молиялаштириш учун 2023 йил 1-ярим йилликда **20,9 млрд сўм** сарфланди. Дастур доирасида 1-ярим йиллик давомида даволанган беморлар 4,8 минг нафардан ортиқни ташкил этган.

бўйрак ва жигар трансплантацияси бўйича жаррохлик амалиёти

ўтказилган беморларни дори воситалари

билан таъминлаш учун 2023 йил 1-ярим йилликда **38,4 млрд.сўм** сарфланди. Ушбу дастур доирасида 2023 йилнинг 6 ойи давомида 10,4 минг нафар бемор даволанган.



кам учрайдиган (орфан) ва бошқа ирсий-генетик касалликларга

чалинган болаларга тиббий ва ижтимоий

ёрдам кўрсатиш учун 2023 йил 1-ярим йилликда **1,1 млрд сўм** сарфланди. Ушбу дастур доирасида 2023 йилнинг 6 ойи давомида ирсий-генетик касалликларга чалинган 1,9 мингдан ортиқ болалар даволанган.



Болаларни ҳамда туғиш ёшидаги аёлларни, хомиладор аёлларни ва бола

эмизувчи оналарни профилактик махсус препаратлар билан бепул таъминлаш

учун 2023 йил 1-ярим йилликда **9,6 млрд сўм** сарфланди. Дастур доирасида 2023 йил 1-ярим йилликда давомида даволанган беморлар 4,2 млн. нафардан ортиқни ташкил этган.



«Спинал мушак атрофияси» ташхиси

кўйилган бемор болаларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва дори воситаларини бепул етказиб бериш харажатларини молиялаштириш учун 2023 йил 1-ярим йилликда **17,7 млрд сўм** сарфланди. Дастур доирасида 2023 йил 1-ярим йиллик давомида даволанган бемор болалар сони 135 нафардан ортиқни ташкил этган.



Ногиронлиги бўлган шахсларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий хизматлар сифатини янада яхшилаш дастури бўйича харажатларини молиялаштириш учун 2023 йил 1-ярим йилликда **3,8 млрд сўм** сарфланди.



Қон компонентлари захирасини яратиш мақсадида қон билан ишлаш хизмати муассасаларини зарур миқдордаги гемоконтейнерлар билан таъминлаш молиялаштириш бўйича 2023 йил 1-ярим йилликда **10,1 млрд сўм** сарфланди.

гематология ва трансфузиология

хизматларини ривожлантириш ҳамда онкогематологик ва даволаниши қийин бўлган касалликларга чалинган шахсларни янада қўллаб-қувватлаш харажатларига **76,9 млрд сўм** сарфланди. Дастур доирасида 2023 йил 1-ярим йиллик давомида даволанган беморлар сони 4 500 нафардан ортиқни ташкил этган.



Эндокрин касалликларнинг олдини олиш, эрта ташхислаш ва даволаш чора-тадбирларини молиялаштириш харажатларига 2023 йил 1-ярим йиллигида **19,8 млрд сўм** маблағ сарфланди.



Иқтидорли ва малакали тиббиёт мутахассисларини қўллаб-қувватлаш ҳамда тиббиёт муассасаларига жалб қилиш дастури бўйича 2023 йил 1-ярим йиллигида харажатларга **24,3 млрд сўм** сарфланди.



Дастур доирасида 2023 йил 1-ярим йил давомида 480 нафардан ортиқ малакали тиббиёт мутахассислар малакаси оширилган.


Кам таъминланган оилаларга болалар нафақаси, моддий ёрдам ва компенсация тўловлари учун Давлат бюджетидан **9 354,4 млрд сўм** маблағ ажратилди.

2023 йилнинг январь-июнь ойларида ижтимоий нафақа олувчи оилалар ўртача сони **2 192,8 мингтага** (*2 115,5 мингта болалар нафақаси, 77,3 мингта моддий ёрдам*) етди (*2022 йилнинг мос даврига нисбатан 23,0% ошган*) ҳамда нафақа тўловлари учун **6 071,3 млрд сўм** маблағ, шундан **5 894,4 млрд сўм** кам таъминланган оилаларга болалар нафақаси ва **176,9 млрд сўм** кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам учун харажат қилинди.




Нафақа тайинлаш учун зарур бўлган маълумотлар босқичма-босқич электрон шаклга ўтказилиб, бугунги кунда **21 та** вазирлик ва идораларнинг электрон базалари интеграция қилиш орқали **53 турдаги** маълумотлар электрон ахборот алмашинуви орқали амалга оширилмоқда.

Худудлар кесимида январь-июнь ойларида ижтимоий нафақа олувчи оилалар ўртача сони ва тўлаб берилган нафақалар



Жорий йилнинг ўтган даврида хўжалик юритувчи субъектларда ишловчи **7 732 нафар** аёлларга **15,4 млрд сўм**лик ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси тўлаб берилди.

Худудлар кесимида тўлаб берилган ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси.



Аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастури доирасида 2023 йил 1 ярим йилликда **362,6 млрд сўм** миқдорида субсидиялар тўлаб берилди, шундан **4 000 та** фуқароларга бошланғич бадал учун **127,0 млрд сўм** ҳамда 2020-2022 йилларда берилган ипотека кредитлари бўйича **29 965 та** фуқароларга **235,6 млрд сўм** фойз тўловлари бир қисмини қоплаш учун субсидия тўлаб берилди.



Иқтисодиётга амалга оширилган харажатлар 2023 йилнинг 1-ярим йиллигида **20 095,6 млрд сўмни** ташкил қилиб, ушбу харажатлар ҳисобот давридаги жами Давлат бюджети харажатларининг **15,5 фоизини** ташкил этди.

Иқтисодиёт харажатлари асосан қуйидаги йўналишларга амалга оширилди:

- сув хўжалиги эксплуатацияси харажатлари – **4 484,5 млрд сўм**;
- суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш – **91,5 млрд сўм**;
- аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини амалга ошириш харажатлари – **1 937,1 млрд сўм**;
- табиатни муҳофаза қилиш ишларига – **103,7 млрд сўм**;
- уй-жой коммунал ишларига – **1 036,9 млрд сўм**.
- ички бозорда табиий газни улгуржи сотиб олиш ва сотиш бўйича ихтисослаштирилган компания зарарларини қоплаш ва жорий фаолиятини молиялаштиришга – **8 804,5 млрд сўм**.

Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси тадбирлари учун 2023 йил 1-ярим йилликда давлат бюджетидан жами **1 767,8 млрд сўм**



йўналтирилди. Шундан, атмосфера ҳавоси муҳофазаси бўйича тадбирларга 11,6 млрд сўм, сув ва ер ресурсларини муҳофаза қилиш тадбирларига 96,8 млрд сўм, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси муҳофазасига (жумладан қўриқхоналар, табиий ва миллий боғлар, ўрмонларни сақлашга) 187,5 млрд сўм, Оролбўйи минтақасида амалга оширилаётган экологик тадбирларга 43,2 млрд сўм, ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш ишлари 248,3 млрд сўм, ерларни сув ва шамол эрозиясидан сақлашга 32,0 млрд сўм, ерлар рекултивацияси 19,7 млрд сўм, Чиқиндиларни йиғиш. зарарсизлантириш ва утилизация қилиш (махсус техника сотиб олиш ва полигонлар ташкил қилиш) 160,5 млрд сўм ҳамда бошқа атроф муҳитни муҳофаза қилишга доир тадбирларга 4,1 млрд сўм молиялаштириб берилди.

Дастурга мувофиқ 43 та тадбир учун 232,4 млрд сўм миқдорда молиялаштириш кўзда тутилган.

Шу жумладан:

Дастурнинг I бўлимида “Табиатни муҳофаза қилиш ва ташкилий тадбирлар, илмий-изланиш, меъёрий-услубий ишлар, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, табиатни муҳофаза қилиш соҳасида ноширлик фаолияти, экологик билимларни тарғиб қилиш ва ҳалқаро ҳамкорликни ташкиллаштириш” бўйича **14 та** тадбирлар учун жами **7 млрд сўм** молиялаштирилди.

Ўрмон хўжалиги: давлат дастури бўйича республикада экологик вазиятни яхшилаш мақсадида 200 минг гектар ўрмон барпо қилиш ва қайта тиклаш тадбирлари амалга оширилди.

Шу жумладан, Орол денгизининг қуриган туби ва Оролбўйи ҳудудларида кум кўчиши ҳамда атмосфера ҳавосига туз-чанг кўтарилишини бартараф этиш мақсадида жами 195 минг гектар, шундан Мўйноқ туманида 128 минг гектар, Бухоро вилоятида 40 минг гектар, Навоий вилоятида 17 минг гектар ва Хоразм вилоятида 10 минг гектар майдонда саксовул ва бошқа чўл ўсимликларидан “яшил қопламалар” барпо этилди.

Ўрмон хўжаликлари томонидан жами 941 тонна чўл ва бошқа турдаги дарахт ва буталарнинг уруғлари жамғарилди. Тупроқ-иқлим шароитга мос манзарали, мевали дарахт ва буталар турларидан 546 гектар майдонда ниҳолхона ва кўчатхоналар ташкил этилди.

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида жорий йил баҳор мавсумида ўрмон хўжаликлари томонидан 21,8 млн. дона иқлим шароитга мос манзарали, мевали дарахт ва буталарнинг кўчат ва қаламчаларини етказиб берилиши таъминланди.

Суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари дала четларида 2 минг гектар майдонда ихота дарахтзорлари барпо этилиб, 4 млн дона кўчатлар экилди.


Нукус шаҳри атрофида 5 км масофада 3590 дона, Урганч шаҳри ва Урганч-Гурлан автомобиль йўли атрофига 5 км масофада 2500 дона катальпа, қайроғоч, япон сафораси каби тупроқ-иқлим шароитга мос дарахтлар кўчатлари экилиб, “яшил белбоғлар” барпо этилди.

Ўтган даврда тизим ташкилотлари томонидан 40,2 минг гектар майдонда ўрмон зараркунанда ва касалликларига қарши ўрганиш олиб борилди, 22 минг 553 гектар майдонда зараркунандаларга қарши ерда кураш, жумладан 17 минг 104 гектар майдонда биологик усулда кураш ишлари амалга оширилди.

Тизим ташкилотлари томонидан жами 865 км ўрмон ёнғинларига қарши янги ҳимоя полосалари, 269 км оралиқ йўллар ва 577 км йўлаклар қурилиб, 2509 км мавжуд полосалар ҳамда 3204 км йўлаклар таъмирланди. Ҳозирги кунда ёнғин хавфи юқори ҳудудларда жами 116 750 литр сув захиралари ва кичик ҳажмдаги сув идишлари ўрнатилди. Сув захираларини яратиш ишлари давом эттирилмоқда.

Шунингдек, ўт ўчириш мосламаси (огнетушитель), мотопомпа, сув пуркагич, тиббий қутичалар ўрнатилиб, 8500 дан ортиқ ўт ўчиришда ишлатиладиган анжомлар (кирка, кетмон, челак, болта, белкурак, хаскаш, мото арра ва супургилар) билан таъминланди.

Чорвачилик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳисобот даврида чорвачилик маҳсулотларини ўз хўжаликларида етиштириб, сотувчи 764 та субъектларга **309,6** млрд сўм субсидия маблағлари ажратиб берилди.



Қишлоқ хўжалиги техникалари харидини рағбатлантириш Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси орқали 2023 йилнинг биринчи ярим йиллигида жами **1 765** дона техника учун **33,5** млрд сўм субсидия ажратилди.

Жумладан 1 541 дона техника кредит ва лизинг фоиз харажатларини қоплаб беришга жами 15,1 млрд сўм, маҳаллийлаштириш даражаси 25 фоиздан кам бўлмаган 224 дона техникани 15 фоизини қоплаб беришга 18,4 млрд сўм, шундан 35 дона лазер ер текислагич ускуналари (30 фоизини) учун 2,3 млрд сўм субсидиялар ажратилди.

Шаҳар ва туманлари ободонлаштириш соҳалари йўналишида жами бугунги кунда **231** та ташкилотлар мавжуд бўлиб, уларнинг мавжуд штат бирликлари 65 503 тани ташкил этмоқда.

Ушбу бошқармалар ходимларини сақлаш ҳамда белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун давлат бюджети ва маҳаллий бюджетлар ҳисобидан 2023 йил




1-ярим йиллик якуни бўйича **1 937,1** млрд сўм пул маблағлари ўзлаштирилди.

Жумладан:


- қаровсиз ҳайвонларни тутиш ва сақлаш тадбирлари учун **12,3** млрд сўм;
- шаҳар ва туманлар аҳоли пунктларини ободонлаштириш тадбирларига **1 374,4** млрд сўм;
- шаҳар ва туманлардаги дафн этиш жойларини сақлаш ва ободонлаштириш учун **298,5** млрд сўм;
- шаҳар ва туман марказларида мавжуд тик қудуқлар, кузатув қудуқлари ва коллекторларни сақлаш учун **20,1** млрд сўм йўналтирилган.

Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасига 1-ярим йилликда **1 036,9** млрд сўм маблағ ажратилди.

25-расм



Жорий йил 1-ярим йил якуни билан аҳолига иссиқлик таъминоти хизматлари тарифларини паст қўллаш ҳисобига кўрилган зарарларини қоплаш мақсадида тақдим этилган тегишли ҳисоб-китобларга кўра **901,9** млрд сўм маблағлар иссиқлик таъминоти корхоналарига йўналтирилди (б-жадвал).



Ҳукумат қарорларига асосан, Уй-жой коммунал соҳаси бўйича Давлат дастурларининг ижроси юзасидан:

2023 йилда Худудлардаги кўп квартирали уйларнинг 532 та лифтларни янгисига алмаштириш учун **87,9** млрд сўм молиялаштирилди.

Кўп квартирали уй-жойларнинг туташ худудларини ободонлаштириш тадбирлари учун 2023 йил 1-ярим йил давомида **46,4** млрд сўм ажратилди.



б-жадвал

Иссиқлик таъминоти хизматлари учун аҳолига пастайтирилган тарифларнинг қўлланилиши ҳисобига вужудга келган зарарларини қоплаш учун 2023 йил 1 ярим йиллигида Давлат бюджетидан ажратилган субсидия маблағлари ва уларнинг ижроси

млн сўм

Т/р	Худудлар ва корхоналар номи	2023 йил 1 ярим йилликда	2022 йил 1 ярим йилликда	Фарқи
	Республика бўйича жами	901 951,6	306 792,2	595 159,2
1	Қорақалпоғистон Республикаси	1 185,9	843,8	342,1
3	Бухоро вилояти	13 878,0	23 498,8	-9 620,8
4	Жиззах вилояти	265,0	0,0	265,0
5	Қашқадарё вилояти	1 054,0	849,2	204,8
6	Навоий вилояти	18 500,0	13 529,0	4 971,0
7	Наманган вилояти	413,0	0,0	413,0
8	Самарқанд вилояти	141,7	102,4	39,3
9	Сурхондарё вилояти	0,0	75,0	-75,0
10	Тошкент вилояти	27 070,3	23 883,2	3 187,1
11	Фарғона вилояти	6 396,0	2 669,7	3 726,3
12	Хоразм вилояти	914,8	1 239,9	-325,1
13	Тошкент шаҳри	832 132,9	240 101,1	592 031,8


2023 йил I ярим йиллигида “Тошшахартрансхизмат” АЖнинг (кейинги ўринларда – Жамият) чекланган тарифлар ҳисобига йўловчи ташиш хизматида кўрилган зарарларини қоплаш учун **220,9** млрд сўм субсидия маблағлари ажратилган.

26-расм



2023 йилнинг I ярим йиллигида “Тошкентметрополитени” ДУКнинг (кейинги ўринларда – корхона) чекланган тарифлар ҳисобига йўловчи ташиш хизматида кўрилган зарарларини қоплаш учун **96,7** млрд сўм субсидия маблағлари ажратилган.

27-расм



Маҳаллий йўналишлардаги авиаташувчиларга ички туризм шу жумладан, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган йўналишларда **чипта нархини бир қисмини қоплаш учун** жорий йил I ярим йиллигида **43 486 нафар** йўловчи учун **5 619,3** млн сўм субсидия ажратилди.


Жорий йил I ярим йилликда Темир йўл орқали Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида истиқомат қилаётган ёшга доир пенсия ва нафақа олувчилар, ногиронлиги бўлган 60,6 минг нафар йўловчилар учун 4 539,4 млн сўм компенсация маблағлари ажратилди.

Экспортга кўмаклашиш ва уни рағбатлантиришни кучайтириш:

Экспортга кўмаклашиш ва уни рағбатлантиришни кучайтириш учун жорий йил I ярим йиллигида бюджетдан 102,0 млрд сўм маблағлар ажратилди, шунингдек экспорт қилишда транспорт харажатларининг бир қисмини компенсация қилиш учун 193,2 млрд сўм, экспорт қилувчилар гаров сифатида суғурта хизматларидан фойдаланганда, суғурта мукофотини тўлаш бўйича харажатларни компенсация қилиш учун 27,4 млрд сўм ажратилди.

Маълумот учун: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 майдаги ПҚ-4337-сонли қарори ҳамда Республикаси Президентининг 2020 йил 7 майдаги ПҚ-4707-сон қарорига мувофиқ маҳаллий экспорт қилувчи корхоналарга маҳсулотни экспорт қилишда транспорт харажатларининг 50 фоизигача қисмини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига компенсация қилиш тартиби ва экспорт ва экспорт олди молиялаштириш, экспорт кредитлари ва таваккалчиликларини суғурталаш механизмлари жорий қилинган.

28-расм



Ҳисобот даврида **Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида** объектларни куриш-таъмирлаш ишлари учун **6 205,8 млрд сўм** ўзлаштирилди.

2023 йил Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида ажратилган маблағларнинг I ярим йиллик яқунлари бўйича ўзлаштирилиши ҳолати соҳалар кесимида таҳлили қуйидагилардан иборат:

Ижтимоий соҳа муассасаларини қуриш ва реконструкция қилиш:

а) умумтаълим мактаблари бўйича 268 та умумтаълим мактабларида, жумладан 9 та ижод ва ихтисослаштирилган мактаб интернатларини қуриш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини амалга ошириш учун I ярим йиллик якуни билан **788,2 млрд сўм** йўналтирилди.

Шундан, дастурдаги умумтаълим мактабларини жиҳозлари ишлари учун эса **300 млрд сўм** маблағ инобатга олинган.

Ушбу ажратилган маблағлар эвазига жорий йилда **106 847 ўқувчи ўринли (47 та спортзал билан биргаликда), 2 536 ётоқ ўринли** жами **245 та** умумтаълим, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар қурилиб фойдаланишга топширилади.

б) 34 та **олий таълим объектларида** қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун **биринчи ярим йилликда 253,8 млрд сўм** ажратилди.

в) 182 та **мактабгача таълим муассасаларида** қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш бўйича **345,2 млрд сўмлик** қуриш-таъмирлаш ишлари бажарилди.

г) Жорий йилнинг 1-яримида 96 та **тиббиёт муассасалари, жумладан 7 та** тиббий-ижтимоий муассасаларни қуриш-таъмирлаш ишлари учун **490 млрд сўм** бажарилган иш ҳажмидан келиб чиқиб молиялаштирилди.



Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Қибрай тумани "Салар" МФЙдаги Республика болалар таянч-харакат тизими касалликлари реабилитация маркази

Умумий маълумот

	Дастурга киритишга асос бўлган ҳужжат	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 ноябрдаги ПҚ-4513-сон қарори
Амалга ошириш мuddати	2021-2023 йиллар	
Жойлашган манзили	Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Бобур кўчаси, 4 уй	
Буюртмачи ташкилот	Соғлиқни сақлаш вазирлиги "Тиббиёт қурилиш инжиниринг" давлат унитар корхонаси	
Пудратчи ташкилот	"YANGI ZAMON BINO" МЧЖ	
Объектни топшириш мuddати	31.12.2023 йил	
Объект қиймати	109 665,7 млн.сўм	
01.08.2022 йил ҳолатига молиялаштирилган маблағ	31 034 млн.сўм	
Бажарилган қурилиш-таъмирлаш ишлари	30%	
2022 йилда фойдаланишга топширилган сабаблари		
1.Объектни фойдаланишга топширилиши учун 78,5 млрд.сўм маблағ зарур. Маблағлар ажратилган тақдирда жорий йилда фойдаланишга топширилади.		











д) **23 та Жисмоний тарбия ва спорт** объектларини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда мукаммал таъмирлаш ишларига 2023 йилда **320,6 млрд сўм** маблағ ажратилади.

**“Андижон шаҳрида универсал спорт мажмуасини қуриш” объекти тўғрисида
МАЪЛУМОТ**





Дастурга киритиш учун асос	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 6 майдаги 2961-сон қарори
2023 йил учун лимит	104 906,5 млн сўм
Пудратчи ташкилоти	“Хон” МЧК
Лойиҳа ташкилоти	“Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ” ДУК
Шартнома суммаси	млн сўм
Ўзлаштирилган маблағ	млн сўм
Фойдаланишга топшириш муддати	2023 йил
Изоҳ:	

Ушбу маблағлар эвазига 2023 йилда **14 та** спорт объектларида (2 та универсал спорт мажмуаси, 2 та футбол ўйингоҳлари, 2 та спорт-соғломлаштириш мажмуаси, 2 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ва бошқа спорт объектлари) қуриш, реконструкция қилиш ҳамда мукаммал таъмирлаш ишлари амалга оширилади.

**“Бухоро шаҳрида универсал спорт мажмуасини қуриш” объекти тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

Дастурга киритиш учун асос	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 6 майдаги 2961-сон қарори
2023 йил учун лимит	119 590,0 млн сўм
Пудратчи ташкилоти	“КНГЭС” МЧК
Лойиҳа ташкилоти	“Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ” ДУК
Шартнома суммаси	млн сўм
Ўзлаштирилган маблағ	млн сўм
Фойдаланишга топшириш муддати	2023 йил
Изоҳ:	

е) 10 та маданият ва санъат муассасаларини қуриш-таъмирлаш ишлари учун ҳисобот даврида **32,7 млрд сўм** ўзлаштирилди.

Мухандислик-коммунал соҳа инфратузилмасини ривожлантириш

а) Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш

дастури доирасида республика аҳоли пунктларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ва оқова сув тизимларини яхшилаш мақсадида Давлат бюджетидан “Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш” жамғармасига **274 та** лойиҳа учун жорий йил 1-ярим йиллик якунлари билан **565 млрд сўм** трансферт молиялаштирилди.



Жорий йил 1 ярим йиллик якуни билан **710,4 км** ичимлик ва оқова сув тармоқлари ётқизилди ҳамда **21 та** иншоотларда қуриш ва реконструкция қилиш ишлари амалга оширилди.



Натижада, 2023 йил якуни билан **76 та маҳаллага (680 минг нафар аҳоли) илк бор** ичимлик суви билан таъминланади, **1,5 млн** нафар аҳолининг сув таъминоти яхшиланади, ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси **74,2 фоиздан 77 фоизга** етади.

Бундан ташқари "Янги Ўзбекистон" ва уй жой массивларида барпо этиладиган ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектлари учун ҳисобот даврида **408,4 млрд сўм** ўзлаштирилган.

Мазкур маблағлар ҳисобидан, **105 та** муҳандислик-коммуникация объектларида қарийб **180,0 км** ичимлик ва **45,1 км** дан ортиқ оқова сув қувурларини тортиш, шунингдек **94 та** иншоотда қуриш ва реконструкция қилиш ишлари амалга оширилган.

б) Иссиқлик таъминоти бўйича 14 та объектда, иссиқлик қозонхоналарини ва иссиқлик тармоқларини қуриш ишлари учун ҳисобот даврида 21,1 млрд сўм молиялаштирилди. Ушбу қозонхоналар ва иссиқлик таъминоти тармоқларини қуриб фойдаланишга топшириш эвазига 1 387 та кўп қаватли уйлар ва 25 та ижтимоий ва бошқа соҳа объектларининг иссиқлик таъминоти яхшиланади.



Йўл-транспорт инфратўзилмаси ривожлантириш

1. 2023 йилда **280** та йўл хўжалигидаги объектларда қурилиш ишларини амалга ошириш, ўлчов тарозиларини ўрнатиш, техника ва машина-механизмлар харид қилиш учун 1-ярим йилликда **930,2** млрд сўм ажратилди.

Жумладан:

– **198** та умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари ва кўприкларни қуриш ва реконструкция қилиш, шунингдек техника ва машина-механизмлар харид қилиш учун жорий йилнинг 1-ярим йиллик якунига кўра **799,9** млрд сўм;



– 2023 йилда ички хўжаликлараро автомобиль йўллари ва шаҳар кўчаларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларига жорий йилнинг 1-ярим йиллик якунига кўра **130,3** млрд сўм.



Ирригация ва мелиорация объектларини тиклаш ва капитал таъмирлаш

а) 2023 йилда 147 та ирригация объектлари (96 та йилдан-йилга ўтувчи, 51 та янгидан бошланувчи) учун 1-ярим йиллик якуни билан **461,3** млрд сўм молиялаштирилди.

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида **131,3** км каналлар, **24,6** км лоток тармоқлари, **3** та гидротехник иншоот, **0,2** м³/с насос станция, **3,1** км босимли қувурлар, **25** та суғориш қудуғи, **2** та кўприк қуриш ва реконструкция қилиш ишлари бажарилган.

б) **47** та мелиорация объектлари (шундан, 21 та йилдан-йилга ўтувчи, 26 та янгидан бошланувчи) учун биринчи ярим йиллик якунлари билан **124,9** млрд сўм маблағлар ўзлаштирилди.

2023 йил дастур доирасида ажратилган маблағлар ҳисобига **277,8** км очик, **102,5** км ёпиқ горизонтал коллектор-дренаж тармоқлари, **6** та вертикал дренаж қудуғи, **24** та гидротехник иншоот ва **50** та қузатув қудуқларини қуриш ва реконструкция қилиш режалаштирилган.

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида **140,8 км** очик ҳамда **59,1 км** ёпиқ-ётиқ коллектор дренаж тармоқлари, **20 та** гидротехник иншоот ва **50 та** кузатув қудуқларида қурилиш-монтаж ишлари олиб борилган.



Ушбу лойҳаларни амалга ошириш натижасида ирригация ва мелиорация объектларининг техник ҳолати яхшиланиб, лойиҳалар ҳудудидаги **207 минг гектар** майдонларнинг сув таъминоти ва **114 минг гектар** суғориладиган ер майдонларининг мелиоратив ҳолати яхшиланишига эришилади.

Махсус иқтисодий зоналар, кичик саноат зоналари, ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари ҳамда йирик ишлабқк чиқариш лойиҳаларини ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш учун



Махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналар ҳамда инвестиция лойиҳаларини ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш учун жорий йилнинг 1-ярим йиллик якунига кўра **384,5** млрд сўм ажратилди.

Жумладан:

Ичимлик сув таъминоти ва канализация тармоқларини қуриш ишларига **32,2 млрд сўм;**

Автомобиль йўллари, кўприклар ва йўл ўтказгичларни қуриш ишларига **50,1 млрд сўм;**

Ташқи электр тармоқлари билан таъминлаш учун **289,8 млрд сўм;**



Ташқи табиий газ тармоқлари билан таъминлаш учун 6,3 млрд сўм.

Йил якунига қадар 1 300 млрд сўм маблағ тўлиқ ўзлаштирилиши натижасида саноат зоналаридаги:

86,8 км узунликдаги ичимлик ва оқова суви тармоқлари ва 24 та сув иншооти;

18,5 км узунликдаги автомобиль йўллари;

262,9 км узунликдаги электр тармоқлари ва 61 та трансформатор подстанциялари;

47,7 км узунликдаги табиий газ тармоқлари ҳамда 7 та босимни созлаш қурилмалари билан таъминланади.

Туризм объектлари атрофидаги ер майдонлари, сув ва йўл инфратузилмаларини яхшилаш

Жорий йилда туризм объектларини муҳандислик-коммуникация тармоқларини яхшилаш, маданий мерос объектларини реставрация қилиш ҳамда маданий-кўнгилочар инфратузилмаларни ривожлантириш учун **32 та** (9 та йилдан-йилга ўтувчи, 23 та янгидан бошланувчи) объектларга **280 млрд сўм** ажратилган.

Ҳисобот даврида, 8 та йилдан йилга ўтувчи ва 12 та янгидан бошланувчи объектларга давлат бюджетининг марказлашган манбалари ҳисобидан **70 млрд сўм** ёки биринчи ярим йиллик режасининг **97 фоизи** молиялаштириб берилган.

"Янги Ўзбекистон" ва уй жой массивларида ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларини барпо этиш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 декабрдаги ПФ-32-сон Фармонида асосан барпо этилаётган "Янги Ўзбекистон" массивларини муҳандислик тармоқлари билан таъминлаш учун **146 та** объектларда (шундан, 88 та йилдан-йилга ўтувчи) учун ҳисобот даврида **408,4 млрд сўм** ўзлаштирилди.

Маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш ҳамда аҳоли кайфиятига таъсир қилувчи долзарб муаммоли масалалар билан боғлиқ тадбирларга **4,2 трлн сўм** сарфланди.

Давлат ҳокимияти, бошқарув, адлия, прокуратура ва суд органлари таъминотига 2023 йилнинг 1-ярим йиллигида **7 160,1 млрд сўм** ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **1 618,2 млрд сўм** кўп маблағ ажратилган.

III. “Ташаббусли бюджет” жараёни

“Ташаббусли бюджет” жараёнининг 2023 йил учун биринчи мавсуми жорий йилнинг 6 февралидан бошланди. Мавсум доирасида **9 441 та** маҳалла фуқаролари томонидан жами **55,9 мингта** лойиҳалар келиб тушди. Шундан, лойиҳаларни саралаш босқичида туман ва шаҳарларда ташкил этилган ишчи гуруҳлар томонидан **33,7 мингта** лойиҳалар овоз бериш жараёнига ўтказилди. Худудлар кесимида овоз бериш босқичига ўтказилган энг кўп келиб тушган лойиҳалар **Сурхондарё вилоятида** – 4,2 мингта, **Қашқадарё вилоятида** – 4,2 мингта, **Хоразм вилоятида** – 3,1 мингтани ташкил этди.

Соҳалар кесимида энг кўп лойиҳалар сифатида ҳудудий ички йўллارни таъмирлаш йўналиши қайд этилиб, ушбу йўналиш бўйича жами **10,4 мингта** лойиҳалар овоз бериш жараёнига ўтказилган ҳамда жами лойиҳалар сонига нисбатан 26 фоизни ташкил этди.

Шунингдек, умумтаълим мактабларини таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича – 5,3 мингта (18%), кўча чироқларини ўрнатиш ҳамда электр энергия таъминоти билан боғлиқ лойиҳалар – 4,5 мингта (11%), мактабгача таълим ташкилотларини таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича – 2,5 мингта (8%) ҳамда тиббиёт ташкилотлари бўйича – 1,4 мингта (6%) лойиҳалар илгари сурилди.

Маълумот учун, 2023 йилги туман ва шаҳар бюджетларида ташаббусли бюджет жараёнлари учун жами 2,0 трлн сўм маблағ кўзда тутилган бўлиб, шундан 1 трлн сўми 1 мавсумда ажратилди. Бундан ташқари, 2023 йил бошига маҳаллий бюджетларда шаклланган эркин қолдиқ маблағларининг 30 фоизи ҳисобидан маҳаллий ҳокимликлар ажратилган маблағларни инобатга олган ҳолда ушбу мавсум учун жами 1,5 трлн сўм маблағлар Фуқаролар ташаббуси жамғармасига йўналтирилди.

Овоз бериш жараёни давомида фуқаролар томонидан жами **16 млндан** ортиқ (жами аҳоли сонига нисбатан 45 фоиз) овозлар берилди (*2022 йил 2-мавсумга нисбатан 2 баробарга кўп*). Овоз бериш жараёнларида жами **8 826 та** маҳаллалар иштирок этди.

Мисол учун, Сурхондарё вилоятида – 719 та (жами маҳалла сонига нисбатан 99%), Қашқадарё вилоятида – 813 та (99%) ва Наманган вилоятида 779 та (98%) маҳаллалар овоз бериш жараёнларида иштирок этди.

Овоз бериш жараёни якунларига кўра “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”га йўналтирилган маблағлар доирасида **1 419 та** маҳаллада (193 та маҳалладан икки ва ундан ортиқ лойиҳалар ғолиб бўлган) умумий қиймати **1,5 трлн сўмни** ташкил этган жами **1 666 та** лойиҳалар ғолиб деб топилди.

Ушбу лойиҳалар учун фуқаролар томонидан жами **7,7** млндан ортиқ овозлар берилган бўлиб, жами берилган овозларга нисбатан 48 фоизни ташкил этди.

Натижада, тўпланган овозлари сони 500 дан 1000 гача бўлган жами 1 692 та, 1000-2000 гача бўлган 1 127 та лойиҳа, 2000-5000 гача бўлган 1163 та лойиҳа, 5000-10000 гача бўлган 128 та лойиҳа ва 10 мингдан ортиқ бўлган 18 та лойиҳалар ғолиб деб топилмаган.

7-жадвал

**Ташаббусли бюджет жараёни 1-мавсуми натижалари тўғрисида
худудлар кесимида**

Т/Р	Худуд номи	Жами келиб тушган таклифлар ва овозлар		2023 йил 1-мавсум якунларига кўра жами ғолиблар сони		
		Келиб тушган таклифлар сони	ЖАМИ берилган овозлар сони	Ғолиб деб топилган лойиҳалар сони	Ғолиб деб топилган лойиҳаларга берилган овозлар сони	Ғолиб бўлган лойиҳалар жамидаги улуши
ЖАМИ		55 970	16 129 764	2 997	12 082 215	75%
1	Қорақалпоғистон Республикаси	3 518	684 897	134	410 457	59%
2	Андижон вилояти	3 153	1 281 618	215	975 354	69%
3	Бухоро вилояти	3 646	960 368	223	752 123	53%
4	Жиззах вилояти	1 886	757 380	150	570 372	57%
5	Қашқадарё вилояти	6 166	2 067 742	261	1 646 078	55%
6	Навоий вилояти	3 245	564 780	143	420 941	62%
7	Наманган вилояти	3 605	1 519 467	341	1 074 117	54%
8	Самарқанд вилояти	2 986	1 595 182	284	1 191 835	61%
9	Сурхондарё вилояти	9 595	1 320 522	213	957 987	49%
10	Сирдарё вилояти	2 005	340 236	117	229 896	60%
11	Тошкент вилояти	2 956	1 226 502	240	885 833	56%
12	Фарғона вилояти	2 450	2 222 028	335	1 831 403	48%
13	Хоразм вилояти	5 128	933 373	172	702 813	50%
14	Тошкент шаҳри	5 631	655 669	169	433 006	48%


Шу муносабат билан, фуқароларни қўллаб-қувватлаш ҳамда ташаббусли бюджет жараёнини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 апрелдаги **ПҚ-117-сон** “Ташаббусли бюджетлаштириш амалиётини янада такомиллаштириш ҳамда фаол маҳаллаларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Қарорга кўра, 2023 йил 1-мавсум доирасида ўтказилган ташаббусли бюджетлаштириш жараёнларида ҳар бири **2 мингдан** ортиқ овоз тўплаган, лекин ғолиб деб топилмаган **1 309 та** лойиҳани амалга ошириш учун қўшимча равишда **1,3 трлн сўм** маблағ ажратилиши белгиланди.

Натижада, қўшимча равишда 1 182 та маҳалла бўйича 4,3 млн нафар фуқаро овоз берган лойиҳаларни амалга оширилишига эришилади.

29-расм

Ташаббусли бюджет жараёни 2022-2023 йилларда 1-мавсуми якуний натижалари кўра ғолиб бўлган лойиҳалар учун ҳудудлар кесимида ажратилган маблағлар



Бундан ташқари, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда манфатдор вазирлик ва идоралар “Очиқ бюджет” ахборот порталига келиб тушган ва ҳар бири 1,5 мингдан ортиқ овоз тўплаган, лекин ғолиб деб топилмаган лойиҳалар таҳлиллари асосида жиҳозлаш билан боғлиқ лойиҳаларда кўзда тутилган товар (хизмат)ларни харид қилиш харажатларини 2024 йил учун бюджет сўровида кўзда тутиш бўйича ишларни ташкил этиш вазифаси топширилди.

Натижада, 164 та мактаб, 30 та бозча ва 32 та тиббиёт муассасаларида таъмирлаш, жиҳозлаш ва бошқа лойиҳаларда белгиланган ишларни амалга ошириш учун 304,6 млрд сўм қўшимча маблағ ажратилади.

Шу билан бирга, туман (шаҳар) ҳокимликлари қошида ташкил этилган жамоатчилик фикри асосида тадбирларни шакллантириш, баҳолаш, танлаб олиш ҳамда ижросини мониторинг қилиш бўйича ишчи комиссия томонидан 2023 йил 1-мавсумда ғолиб деб топилган **2 975 та** лойиҳаларни сифатли тарзда амалга оширилиши қатъий назоратга олиниши белгиланди.

Бунга кўра, жиҳозлаш бўйича лойиҳаларни жорий йилнинг июль ойи якунига қадар, қурилиш ва таъмирлаш ишлари бўйича лойиҳаларни август ойи якунига қадар амалга ошириш белгиланди.

Бундан ташқари, Ҳисоб палатаси ва Давлат молиявий назорати инспекциясига ташаббусли бюджетлаштириш жараёнлари доирасида қуйидаги қўшимча ваколатлар юклатилди.

Ташаббусли бюджет жараёнларини ўтказишда жойларда кузатилаётган айрим камчиликларни бартараф этиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор борилмоқда.

Хусусан, қабул қилинган қарорга кўра кенг жамоатчиликнинг кескин эътирозларига сабаб бўлган ҳолат - Ташаббусли бюджетлаштириш жараёнлари доирасида бюджет ташкилотларининг раҳбар ходимлари томонидан мажбурий овоз йиғиш бўйича ходимларга топшириқ беришлари таъқиқланиши, бунда мажбурий овоз йиғишга мажбурлаш тегишли ташкилот ходимларини мажбурий меҳнатга жалб қилиш сифатида таснифланиши белгилаб қўйилди.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, Ташаббусли бюджет жараёнларини ташкил этишда ҳудудларда кузатилаётган айрим камчиликларни бартараф этиш бўйича чоралар кўриш тақазо этилмоқда. Шу муносабат билан, Давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган қарорга кўра Ташаббусли бюджет жараёнини янада такомиллаштириш ва уни янги босқичга олиб чиқиш мақсадида Ташаббусли бюджетлаштириш жараёнини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар режаси тасдиқланди.

“Менинг йўлим” лойиҳаси жорий йилда туман ва шаҳарлар бюджетларида ички йўлларни таъмирлаш харажатлари учун **640 млрд сўм** маблағ режалаштирилган бўлиб, шундан “Менинг йўлим” лойиҳаси доирасида аҳолининг таклифлари асосида энг долзарб деб топилган ички йўлларни таъмирлаш учун **312 млрд сўм** (ҳар бир туман ёки шаҳарда 3 млрд сўмдан) маблағ йўналтирилди.

Фуқароларнинг фаоллигини қўллаб-қувватлаш мақсадида айрим туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан “Менинг йўлим” лойиҳаси учун назарда тутилган маблағлар миқдори **50 фоиздан 100 фоизгача** оширилди.

Жумладан, Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасининг барча туман ва шаҳарларида ҳудудий ички йўллари таъмирлаш учун режалаштирилган маблағларнинг **70 фоиз қисми** (2,1 млрд сўмдан);

Сурхондарё вилоятининг **Олгинсой, Ангор** ва **Бойсун** туманлари, Тошкент вилоятининг **Зангиота, Юқоричирчиқ, Қуйичирчиқ, Оҳангарон** ва **Пискент** туманлари ва **Оҳангарон** шаҳри, Фарғона вилоятининг **Бағдод, Бувайда, Данғара** туманлари, Қашқадарё вилоятининг **Китоб** туманида ажратилган маблағлар тўлиқ “Менинг йўлим” лойиҳасига йўналтирилди.

Республика бўйлаб фуқаролар томонидан хаммаси бўлиб **10,3 мингта** лойиҳалар илгари сурилди ва **овозга қўйилди**.

Бунда республикамизнинг **5 162 та** маҳаллалари ўз лойиҳалари билан иштирок этдилар.

Энг кўп лойиҳалар илгари сурилган ҳудудлар сифатида Самарқанд вилоятида - **1,3 минг**, Фарғона вилоятида - **1,1 минг**, Қашқадарё вилоятида - **1,0 минг** тани ташкил этди.

Овоз бериш жараёнида фуқаролар томонидан **8 млндан** ортиқ овоз берилди.

Жумладан, Қашқадарё вилоятида **1,1 млн** (ҳудуд аҳолисига нисбатан **33 фоиз**), Самарқанд вилоятида **1 млн 64 минг** (**26 фоиз**), Фарғона вилоятида **897 минг** (**23 фоиз**) фуқаролар ўз лойиҳалари учун овоз бердилар.

30-расм


Келиб тушган лойиҳалар сони



Овоз бериш жараёни якунларига кўра, республика бўйича **470 та** маҳалла фуқаролари томонидан илгари сурилган, **3,7 млн** фуқаро томонидан овоз берилган **517 та** лойиҳалар ғолиб деб топилди. Шулардан, **47 та** маҳалла **2** ва ундан ортиқ лойиҳалар бўйича ғолиб деб топилди.

31-расм

Ғолиб лойиҳалар сони ҳудудлар кесимида



Ҳудудлар кесимида таҳлил қилинганда, Тошкен вилоятида - **55 та** лойиҳа (ғолиб маҳалла сони **53 та**), Қорақалпоғистон Республикасида **54 та** лойиҳа (**45 та**), Самарқанд вилоятида **40 та** лойиҳа (**35 та**) ғолиб деб топилган.

Ушбу лойиҳалар учун туман (шаҳар)лар бюджетларида ички йўлларни таъмирлаш учун режалаштирилган маблағлар ҳисобидан **412,4 млрд сўм** маблағлар йўналтирилди.

IV. Давлат мақсадли жамғармалари ижроси

2023 йил Давлат мақсадли жамғармалари **даромадлари** прогноз кўрсаткичлари **41,2 трлн** сўм белгиланган бўлиб, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида **27,4 трлн** сўмга ёки йиллик режага нисбатан **66,5 фоизга** ижро этилди.

Бундан ташқари, Давлат бюджетидан давлат мақсадли жамғармаларга жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида **12,3 трлн** сўм миқдорида **трансфертлар** ажратилди.

Давлат мақсадли жамғармалари харажатлари эса йиллик режага нисбатан **49,8 фоизга** ижро этилган ҳолда **34,9 трлн** сўмни ташкил этди.

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг 2023 йил бошига қолдиқ маблағлари **3 023,6 млрд** сўмни ташкил этган.

Жорий йилда жамғарма **даромадлари** прогноз кўрсаткичи **37 840,0 млрд** сўм белгиланган бўлиб, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида ижроси **19 935,3 млрд** сўм (*52,7 фоиз*)ни ташкил этган, шу жумладан:

- ижтимоий солиқ тушумлари **19 295,0 млрд** сўм;
- бошқа тушумлар **640,3 млрд** сўм.

Шу билан бирга, жамғармага Давлат бюджетидан **5 970,0 млрд** сўм миқдорида **трансфертлар** ажратилган.

Жорий йилда жамғарманинг **харажатлари** режаси **53 518,0 млрд** сўмга режалаштирилган бўлиб, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида ижроси **25 857,8 млрд** сўм (*48,3 фоиз*)ни ташкил этган, **шу жумладан:**

- Фуқароларга давлат пенсияларининг барча турлари учун тўловлар, шунингдек пенсия ва нафақаларни етказиб бериш харажатлари учун **25 856,4 млрд** сўм;
- бошқа харажатлар учун **1,4 млрд** сўм.

Жамғарманинг ҳисобот даври якунига жами қолдиқ маблағлари **3 071,1 млрд** сўмни ташкил этди.

Жамғарма фаолияти билан боғлиқ бўлган амалга оширилган ишлар ва эришилган натижалар

1. Пенсия жамғармасининг умумий кўрсаткичлари.

1.1. 2023 йилнинг ўтган олти ойида Пенсия жамғармаси томонидан 201,2 минг нафар фуқарога янги пенсия ва нафақалар тайинланди (шундан, 146,2 минг нафарига пенсия ва 55,0 минг нафарига нафақа).

2023 йил 1 июль ҳолатига пенсия ва нафақа олувчиларнинг умумий сони 4 470,0 минг нафарга етиб, аҳоли сонига улуши 12,2 %ни ташкил қилди. Шундан, 3 854,6 минг нафари пенсия ва 615,4 минг нафари нафақа олувчиларни ташкил этди.

1.2. 2023 йил июнь ойида пенсияларнинг бир ойлик ўртача миқдори 1 145,9 минг сўмни ташкил қилиб, 2022 йил июнь ойига нисбатан 107,3 минг сўмга ёки 9,4 фоизга кўпайган.

Нафақаларнинг бир ойлик ўртача миқдори 698,7 минг сўмни ташкил этиб, 2022 йил июнь ойига нисбатан 48,9 минг сўмга ёки 7,0 фоизга кўпайган.

2. Тизимни автоматлаштириш ва аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш.

2.1. Пенсия жамғармаси томонидан 2023 йил I ярим йилида 848 минг нафар фуқароларга интерактив ва проактив хизматлар кўрсатилди.

Жумладан;

- 420,0 минг нафар фуқароларга бола туғилганда бериладиган суюнчи ва 78,4 минг нафар фуқароларга дафн маросими учун нафақаларни улар томонидан Жамғармага мурожаат қилмасдан тўғридан-тўғри Халқ банкининг исталган филиалига борган ҳолда тўланиши таъминланди;

- 294,7 минг нафар фуқароларга пенсия (нафақа) тайинланганлиги, рўйхатда туриши ҳамда миқдори тўғрисида маълумотномалар электрон шаклда тақдим этилди.

- 23,1 минг нафар фуқароларга нафақалар Пенсия жамғармасига мурожаат этмасдан "проактив" усулда тайинланди.

- 31,8 минг нафар фуқароларга 5 турдаги нафақалар Давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мурожаат этиш орқали тайинланди.

2.2. Пенсия жамғармаси ва Мажбурий ижро бюроси ахборот тизимлари ўртасида йўлга қўйилган ахборот алмашинуви орқали чегирмалар қўйишда инсон омили бутунлай бекор қилинди ҳамда жамғарма ходимлари иш самарадорлиги оширилди.

2.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 4-майдаги ПҚ-5102-сон қарорига асосан, 2023-йил 1-январдан бошлаб фуқароларга давлат пенсияларини тайинлаш фақат биргина паспорт ёки идентификация ID-картаси орқали тайинлаш тизими жорий этилди.

2.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 20 апрелдаги "Давлат хизматлари кўрсатишни соддалаштириш, бюрократик тўсиқларни қисқартириш ҳамда давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини

ривожлантиришнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-113-сон Фармонига асосан, “Хужжатлар-телефонда” тамойили асосида мобил илова орқали пенсия гувоҳномасини мобил иловага ўтказиш ва уни QR-код орқали ҳам идентификациялаш йўлга қўйилди.

2.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсон кадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурининг IV бўлим “Адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш” йўналиши 54-мақсади 223-бандида 2022 йил декабр ойига қадар пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун ўртача иш ҳақининг максимал миқдорини 12 баробаридан келиб чиққан ҳолда «Пенсия» дастурига тегишли ўзгартиришлар киритилди ва 370 мингдан ортиқ фуқароларнинг пенсиялари қайта ҳисоб китоб қилиниб СМС хабарномалар юборилди.

3. Қонунчилик базасини такомиллаштириш ва бу орқали фуқароларга қулайликлар яратиш.

3.1. Мамлакатимизда пенсия ва нафақа олувчиларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, қариялар ва кекса ёшдагиларга ҳар томонлама ғамхўрлик қилиш, фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш ва соҳада мавжуд муаммоларни бартараф этиш, бу борада бюрократик тўсиқларни қисқартириш юзасидан 2023 йилнинг I ярим йиллигида 1 та Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1 та Фармон, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1 та қарори ҳамда 3 та идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

3.2. Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 15 февралдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига маҳкумларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-817-сон Қонунига мувофиқ “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Киритилган ўзгартиришга мувофиқ, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларнинг жазони ижро этиш муассасаларида жазони ўташ даврида бажарадиган ҳар қандай иши, агар ушбу иш бажарилган давр учун жазони ижро этиш муассасаси томонидан ижтимоий солиқ тўланган бўлса иш стажига инобатга олинishi йўлга қўйилди.

3.3. Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 23 мартдаги “Ижтимоий ҳимояга муҳтож айрим тоифадаги шахсларга нафақа ва қўшимча тўловларни тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳамда ушбу соҳага замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш орқали давлат хизмати сифатини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 119-сон қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорга асосан:

- Ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган айрим тоифадаги шахсларга нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги янги таҳрирдаги қарор билан тасдиқланди;

Шунингдек, ушбу қарор билан ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болалар нафақаси, парваришлаш нафақаси ва Пенсия жамғармаси томонидан хар ойда ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ва ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз ногиронлиги бўлган шахсларга тўланадиган қўшимча тўловни проактив шаклда тайинлаш тартиби ишлаб чиқилди.

- Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ва ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган ёлғиз шахсларга қўшимча тўловни тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги янги низом ишлаб чиқилди;

- Ушбу қарор билан Пенсия тизимидаги ҳужжатларни мақбуллаштириш (оптимизациялаш) мақсадида Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 26 октябрда рўйхатдан ўтказилган №2835 “Пенсия, нафақа ва бошқа тўловлардан чегирма қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги идоравий ҳужжат бекор қилиниб, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 13 октябрдаги “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 592-сон қарори билан бирлаштирилди;

- фуқаро вафот этгандан сўнг унинг Халқ банкида жамғариб бориладиган пенсия тизимидаги мавжуд маблағларини олиш бўйича вафот этган фуқаронинг яқин қариндошларига хабарнома юбориш амалиёти йўлга қўйилди;

- Мазкур Қарор билан Вазирлар Маҳкамасининг 8 та қарорлари Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-795 ва ЎРҚ-817-сон қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-269-сон Фармони, ва бошқа юқори юридик кучга эга норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқлаштирилди.

3.4. “18 ёшгача бўлган ногирон болаларни тиббий-меҳнат эксперт комиссияларида кўриқдан ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги қарори Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 27 мартда рўйхатдан ўтказилди.

3.5. “Пенсия, нафақа ва бошқа тўловлардан чегирма қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирининг буйруғи Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 24 майда рўйхатдан ўтказилди.

3.6. “Уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича компенсация пул тўловларининг механизми тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруққа ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида” Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирининг буйруғи Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 26 июнда рўйхатдан ўтказилди.

4. Пенсия ва кам таъминланган аҳоли қатламини қўллаб-қувватлаш ҳамда ижтимоий тўлов миқдорларини ошириш.

4.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармонида асосан 2023 йил 1 январдан бошлаб пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун иш ҳақининг максимал миқдори пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг ўн баробаридан ўн икки баробаригача оширилди.

Фармонга мувофиқ 371 минг нафардан ортиқ фуқароларнинг пенсия миқдори қайта ҳисоб китоб қилиниб, 2023 йил давомида Пенсия жамғармасидан қўшимча равишда 1,6 трлн. сўмдан ортиқ миқдоридаги маблағлар ажратилади.

4.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 29 апрелдаги “Ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-230-сон қарорига мувофиқ, 2023 йил 1 январдан бошлаб I ва II гуруҳ ногиронлиги учун пенсия тайинлангандан кейин ишлаган фуқароларнинг иш стажи ва иш ҳақини ҳисобга олган ҳолда, ногиронлик пенсияси миқдорларини ҳар икки йилда қайта ҳисоблаш тартиби жорий этилди.

Натижада, 2023 йилда 75 мингдан зиёд ногиронлиги бўлган шахсларнинг пенсиялари уларнинг аризаларига асосан қайта ҳисоб-китоб қилиниб ўртача 300 минг сўмгача оширилади ва Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан йилига қўшимча равишда ўртача 275 млрд сўм маблағ ажратилади.

4.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 мартдаги “Иш ҳақи, пенсиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида”ги ПФ-45-сон Фармонида асосан, 2022 йил 1 апрелдан бошлаб пенсиялар ва нафақалар миқдори 7 фоизга оширилиб, 4,4 млн. нафар фуқаронинг пенсия миқдори қайта ҳисоб китоб қилиб чиқилди.

5. Пенсия жамғармаси молиявий фаолияти ва маблағларини мақсадли сарфланиши устидан назорат.

5.1. 2023 йилнинг I ярим йилида Пенсия жамғармасининг 3 470 млрд сўм миқдоридаги вақтинча бўш бўлган маблағларини тижорат банкларининг қисқа муддатли депозитларига жойлаштирилиши натижасида 18,7 млрд сўм ҳамда

Ривожлантириш жамғармасидаги 90 млрд сўм қолдиқ маблағларини тижорат банкларининг депозитларига жойлаштирилиши натижасида 5,8 млрд сўм қўшимча даромад олинди.

5.2. Жамғарманинг Ички аудит хизмати томонидан 2023 йилнинг ўтган 6 ойи давомида амалга оширилган назорат тадбирларида фуқароларга пенсиялар, ижтимоий нафақа ва моддий ёрдамлар тайинланиши ҳамда тўланиши бўйича 1 673 та ҳолатда 5 676,5 млн сўмлик хато ва камчиликлар аниқланиб, ҳужжатлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига тақдим этилди.

5.3. Камчиликка йўл қўйган 43 нафар ходимга интизомий жазо чоралари қўлланилган бўлиб, шундан 3 нафари билан меҳнат шартномаси бекор қилинди.

2. Бандликка кўмаклашиш давлат мақсадли жамғармасининг 2023 йил бошига жами қолдиқ маблағлари 7,1 млрд сўмни ташкил этган.

Жорий йилда жамғарма **даромадлари** прогноз кўрсаткичи **212,8 млрд сўм** белгиланган бўлиб, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида ижроси **17,8 млрд сўм (8,4 фоиз)**ни ташкил этган, шу жумладан:

- ягона ижтимоий тўлов суммасидан қонун ҳужжатларида белгиланган миқдордаги (*0,1 фоиз*) ажратма ҳисобидан тушум **7,4 млрд сўм**;

- бошқа даромадлар **10,4 млрд сўмни** ташкил этган.

Шу билан бирга, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида Давлат бюджетидан ажратилган **трансфертлар** миқдори **145,0 млрд сўм** ташкил этади.

Жорий йилда жамғарманинг **ҳаражатлари** режаси **490,8 млрд сўмга** режалаштирилган бўлиб, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида ижроси **168,1 млрд сўм (34,2 фоиз)**ни ташкил этган, шу жумладан:

- аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказида иш қидираётган ва ишсиз мақомига эга шахс сифатида рўйхатдан ўтган шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш учун **127,5 млрд сўм**;

- ишсизларга муддатидан олдин пенсиялар тайинланиши муносабати билан Пенсия жамғармасининг ҳаражатларини қоплаш учун **4,8 млрд сўм**;

- ишсизлик бўйича нафақалар, ишсизларга компенсациялар, стипендиялар, моддий ёрдам ва бошқа тўловларни тўлаш учун **18,7 млрд сўм**;

- Бандликка кўмаклашиш марказлари, вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш марказлари, ишсиз ва банд бўлмаган аҳолини касб-хунарга ўқитиш минтақавий марказлари, ишсизларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ўқув марказларининг айрим бўлинмаларини моддий-техник таъминлаш ва сақлаб туриш **7,0 млрд сўм**;

- ишга жойлаштириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва меҳнатни муҳофаза қилиш, вақанциялар ва банд бўлмаган аҳолини ҳисобга олиш соҳасида ахборот-компютер тизимларини ва технологияларини яратиш, ривожлантириш ва техник қўллаб-қувватлаш, шу жумладан дастурий таъминот ишлаб чиқиш ва техник воситаларни харид қилиш учун **2,2** млрд сўм;

- субсидия маблағлари тақдим этиш учун **5,7** млрд сўм;

- бошқа харажатлар учун **2,3** млрд сўм.

Бандликка кўмаклашиш давлат мақсадли жамғармасининг ҳисобот даври якунига жами қолдиқ маблағлари **1,9** млрд сўмни ташкил этди.

3. Жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш бўйича марказлаштирилган жамғармасига жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида Давлат бюджетидан **294,6 млрд сўм миқдорида трансфертлар ажратилган.**

2023 йилда жамғарманинг харажатлари режаси **480,0** млрд сўмга режалаштирилган бўлиб, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида ижроси **294,6** млрд сўм (*йиллик режага нисбатан 57,0 фоиз*)ни ташкил этган.

Жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш бўйича марказлаштирилган жамғарма томонидан жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида амалга оширилган ишлар ва эришилган натижалар.

Жорий йил бошидан Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарор ва фармойишларига асосан мулкдорларга етказилган зарарларни қоплаш мақсадида ҳудудий жамғармаларга хусусан, Тошкент вилояти ҳудудий жамғармасига **61,4** млрд сўм, Наманган вилояти ҳудудий жамғармасига **46,5** млрд сўм, Тошкент шаҳар ҳудудий жамғармасига **186,8** млрд сўм, жами **294,6** млрд сўм компенсация тўловлари ўтказилган.

Республика компенсация жамғармасидан ҳудудий компенсация жамғармаларига ўтказилган **294,6** млрд сўм маблағлар ҳисобидан жами **415** та шундан, **316** та турар ва **99** та нотурар мулк объекти мулкдорларига ер участкалари жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши натижасида етказилган зарарлар қоплаб берилган.

Жумладан, Республика компенсация жамғармасидан:

Тошкент шаҳар ҳудудий жамғармасига жами **97** та шундан, **90** та турар ва **7** та нотурар мулк объекти мулкдорларига **186,8** млрд сўм;

Тошкент вилояти ҳудудий жамғармасига жами 99 та шундан, 26 та тузар ва 73 та нотузар мулк объекти мулкдорларига 61,4 млрд сўм;

Наманган вилояти ҳудудий жамғармасига жами 219 та шундан, 200 та тузар ва 19 та нотузар мулк объекти мулкдорларига 46,5 млрд сўм маблағ ажратилган.

Шунингдек, ҳисобот даврида (2023 йилнинг 2-чорагида) давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан мулкдорларга етказилган зарарларни қоплаш учун Наманган вилояти ҳудудий жамғармасига 46,5 млрд сўм, Тошкент вилояти ҳудудий жамғармасига 61,4 млрд сўм ва Тошкент шаҳар ҳудудий жамғармасига 36,8 млрд сўм, жами 144,6 млрд сўм компенсация тўловлари ўтказиб берилган.

4. Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармасининг 2023 йил бошига қолдиқ маблағлари 25,8 млрд сўмни ташкил этиб, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида жамғармага жами 55,5 млрд сўм миқдорида маблағлар келиб тушган, шундан Давлат бюджетидан ажратилган трансфертлар 46,4 млрд сўмни ташкил этган.

2023 йилда жамғарманинг харажатлари режаси 200,5 млрд сўмга режалаштирилган бўлиб, ижроси 49,6 млрд сўм (24,7 фоиз)ни ташкил этган, **шу жумладан:**

- жамғарма стипендиатларини хорижий нуфузли таълим муассасаларда таълим олишини ва стажировкадан ўтишини ташкил этиш учун 47,9 млрд сўм;

- жамғармани сақлаш билан боғлиқ харажатлар 1,6 млрд сўмни ташкил этади.

Жамғарманинг ҳисобот даври якунига жами қолдиқ маблағлари 31,7 млрд сўмни ташкил этди.

“Эл-юрт умиди” жамғармаси томонидан жорий йилнинг I ярим йиллигида амалга оширилган ишлар ва эришилган натижалар

Жамғарма стипендиатларининг меҳнат фаолияти самарадорлиги ва уларнинг касбий камолоти реал мониторингини йўлга қўйиш, ўсиб келаётган иқтидорли ва истиқболли ёшларнинг хорижда таълим олишлари учун давлат томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликни кенг тарғиб этиш, стипендиатларнинг давлат ҳокимияти органлари билан мунтазам алоқада бўлишини таъминлаш мақсадида 2023 йил 28 январда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбарияти, масъул вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирокида “Эл-юрт умиди” жамғармасининг хорижда таълим олиб қайтган 71 нафар (жами 101 нафар) стипендиатлари билан очиқ мулоқот ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга оид давлат дастури”нинг (ПФ-27, 28.02.2023) 171-бандига мувофиқ Жамғарма Васийлик кенгаши 2023 йил 27 мартдаги қарори билан “Эл-юрт умиди” жамғармаси таълим дастурлари бўйича хорижда таълим олиш учун 500 ўринга мўлжалланган 1-очик стипендия танлови жорий йилнинг 1 апрелидан эълон қилинди. Мазкур стипендия квоталари доирасида республика вазирлик, идора ва ташкилотларининг хорижда таълим олиш дастурларига бўлган реал эҳтиёжларидан келиб чиқиб, бакалавриятга 75 ўрин, магистратурага 275 ўрин ва докторантурага 150 ўрин ажратилди.

Мазкур стипендия танловида иштирок этиш учун жами 3522 нафар номзодлардан аризалар келиб тушди. Улардан саралаш танлови низоми талабларига тўлиқ жавоб берадиган 1080 нафар номзодларнинг ҳужжатлари 2-босқичга тавсия этилиб, Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги томонидан ўтказилган тест синовларидан 729 нафар номзодлар муваффақиятли ўтдилар.

Танлов низомига мувофиқ жорий йил 22 майдан 13 июнга қадар хорижда таълим олишдан кўзланган мақсад ва олинган билимларни Ўзбекистонда қўллаш имкониятлари, танлаган мутахассислиги бўйича билим ва кўникмалари, маънавий-ахлоқий тафаккури, соғлом дунёқараши, миллий ва умуминсоний қадриятларни аниқлашга қаратилган давлат тилида суҳбат ўтказилди.

“Эл-юрт умиди” жамғармаси томонидан стипендиатларнинг хорижда таълим олиш имкониятларини янада кенгайтириш мақсадида хорижий нуфузли университетлар ва илмий марказлар билан ҳамкорлик меморандумлар имзоланмоқда.

Жумладан, Жамғарма томонидан жорий йилнинг 29 март куни Буюк Британиянинг Кардифф университети, 12 апрель куни Малайзия фан университети (USM) раҳбарияти, 26 апрель куни Жанубий Калифорния университети, Испания Қироллигининг Таълимни халқаролаштириш хизмати (SEPIE) ташкилоти, 28 апрель куни Малайзиянинг Осиё-тинч океани технология ва инновациялар университети, 1 май куни Буюк Британиянинг Каплан ташкилоти раҳбарияти, 10 май куни АҚШнинг Миссури университети (University of Missouri) раҳбарияти ҳамда Австралиянинг Эдит Кован университетининг (Edith Cowan University) раҳбарияти билан учрашувлар ўтказилди.

2023 йил 19 июнь куни Буюк Британиянинг Рединг университети, 20 июнь Каплан халқаро ташкилоти ва Бирмингем университети ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди. “Kaplan International Pathways” ташкилотидан стипендиатлар учун алоҳида ўқиш харажатларидан 25 фоизига қадар чегирмалар ажратилиши кўзда тутилган.

2022 йилнинг январь ойидан бошлаб жамғарма фаолиятини ва тадбирларини расмий веб-сайти, ижтимоий тармоқларидаги саҳифалари ва оммавий ахборот воситаларида 2 та пресс-конференция, 6 та газеталарда чоп этилган мақолалар ва интервьюлар, 15 та ҳамкорлик учрашувлари, 30 дан ортиқ ташкил қилган видеоконференциялар, 7 та ташкил қилинган вебинарлар, 50 дан ортиқ янгиликлар ва эълонлар орқали ёритилган.

5. Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармасининг 2023 йил йил бошига қолдиқ маблағлари 178,0 млрд сўмни ташкил этган.

Жорий йилда жамғарма **даромадлари** прогноз кўрсаткичи **68,0 млрд сўм** белгиланган бўлиб, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида ижроси **52,4 млрд сўм (77,1 фоиз)**ни ташкил этган, шу жумладан:

- Ўзбекистон Республикаси фуқароларини меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижга юборувчи ташкилотларнинг маблағларини захиралаш ҳисобидан тушумлар **8,1 млрд сўм**;

- рухсатнома (иш берувчига хориждан ишчи кучини жалб қилиш ҳуқуқини берадиган ҳужжат) ва тасдиқнома (чет эл фуқаросига меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берадиган ҳужжат) берилганлиги учун йиғимлардан тушумлар **25,1 млрд сўм**;

- бўш пул маблағларни тижорат банкларига жойлаштиришдан олинган ва бошқа даромадлар **19,3 млрд сўм**;

Жорий йилда жамғарманинг **харажатлари** режаси **108,3 млрд сўмга** режалаштирилган бўлиб, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида ижроси **46,3 млрд сўм (42,7 фоиз)**ни ташкил этган, **шу жумладан:**

- хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш даврида меҳнат ва бошқа ҳуқуқлари бузилган, мураккаб молиявий аҳволга тушиб қолган фуқароларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш, шунингдек уларга моддий ёрдам кўрсатиш учун **1,9 млрд сўм**;

- меҳнат миграциясида бўлган даврда вафот этган фуқароларнинг жасадларини, шунингдек хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш даврида майиб бўлган ёки оғир тан жароҳати олган фуқароларни олиб келиш учун **1,7 млрд сўм**;

- хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга оширган даврда фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини суғурталаш бўйича суғурта суммасининг ўрнини қоплаш учун суғурта компанияларига бир йўла бериладиган субсидиялар бериш учун **5,8 млрд сўм**;

- меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижга кетаётган фуқароларни кетиш олдидан мослаштириш, касбга тайёрлаш, уларнинг касбий малакасини тасдиқлаш марказларини республика ҳудудларида ташкил этиш ва жиҳозлаш учун **5,6** млрд сўм;

- ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг хорижий ваколатхоналарини ташкил этиш, жиҳозлаш ва сақлаб туриш учун **10,5** млрд сўм;

- Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг меҳнатни рағбатлантириш жамғармасига ажратмалар учун **4,1** млрд сўм;

- бошқа харажатлар учун **16,7** млрд сўм.

Жамғарманинг ҳисобот даври якунига жами қолдиқ маблағлари **184,2** млрд сўмни ташкил этди.

Жамғарма томонидан жорий йилнинг I ярим йиллигида амалга оширилган ишлар ва эришилган натижалар

Жорий йил ҳисобот даврида Жамғарма томонидан:

201 нафар меҳнат мигрантларини ватанига қайтариш, маблағларсиз қолган 920 нафар меҳнат мигрантларига моддий қўллаб – қувватлаш мақсадида 1,9 млрд сўм;

5 нафар меҳнат мигрантларига тиббий хизматлар ҳаққини тўлаб бериш мақсадида 0,1 млрд сўм;

220 нафар вафот этган меҳнат мигрантлар жасадларини ватанига қайтариш мақсадида 1,7 млрд сўм;

12 951 нафар хорижга вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун кетаётган фуқароларга чет тиллари ва касбга ўқитиш мақсадида 5,6 млрд сўм;

116 544 нафар хорижга вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун кетаётган фуқароларни ҳаёти ва соғлигини суғурталаш мақсадида 5,8 млрд сўм;

Бундан ташқари хориждаги меҳнат фаолиятини амалга ошираётган ватандошларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг хориждаги ваколатхоналарини сақлаш мақсадида 10,5 млрд сўм сарфланди.

6. Жамоат ишлари жамғармасининг 2023 йил бошига қолдиқ маблағлари **91,5** млрд сўмни ташкил этган.

2023 йилда жамғарма **даромадлари** прогноз кўрсаткичи **4,0** млрд сўм белгиланган бўлиб, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида ижроси **4,7** млрд сўм (*117,5 фоиз*)ни ташкил этган, шу жумладан:

- асосий воситалар, мини-ускуналар ва инвентарлар ижарасидан тушумлар **2,5** млрд сўм.

Шу билан бирга, Давлат бюджетидан ажратилган трансфертлар **10,0** млрд сўмни ташкил этган.

Жорий йилда жамғарманинг **харажатлари** режаси **208,0** млрд сўмга режалаштирилган бўлиб, ижроси **82,3** млрд сўм (*39,6 фоиз*)ни ташкил этган, шу жумладан:

- жамоат ишларига жалб этилган ишсизлар ва банд бўлмаган шахсларнинг меҳнат ҳақиға тўловлар учун **54,8** млрд сўм;

- жамоат ишларида, шу жумладан ижара асосида бериш йўли билан фойдаланиш учун мўлжалланган асосий воситалар, мини-ускуналар ва инвентарларни харид қилиш учун **7,8** млрд сўм;

- жамоат ишларини бажариш учун махсус кийимлар ва хавфсизлик техникаси воситалари харид қилиш учун **3,2** млрд сўм;

- жамғармани сақлаш билан боғлиқ харажатлар учун **1,1** млрд сўм;

- бошқа харажатлар учун **15,4** млрд сўм;

Жамғарманинг ҳисобот даври якунига жами қолдиқ маблағлари **23,9** млрд сўмни ташкил этди.

7. Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг 2023 йил бошига қолдиқ маблағлари **340,6** млрд сўмни ташкил этган.

Жорий йилда жамғарма **даромадлари** прогноз кўрсаткичи **218,0** млрд сўм белгиланган бўлиб, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида ижроси **326,9** млрд сўм (*149,9 фоиз*)ни ташкил этган, шу жумладан:

- жамғармага юкланган вазифаларни амалга ошириш учун Жаҳон банкидан жалб қилинган маблағ **282,4** млрд сўм

- кафилликлар беришдан тушадиган даромадлар **2,0** млрд сўм;

- бўш пул маблағларни депозитларга жойлаштиришдан олинган ва бошқа даромадлар **42,5** млрд сўм;

Шу билан бирга, жамғармага жорий йилда Давлат бюджетидан **430,0** млрд сўм миқдорида **трансфертлар** ажратилган.

Жорий йилда жамғарманинг **харажатлари** режаси **1 411,0** млрд сўмга режалаштирилган бўлиб, ижроси **382,4** млрд сўм (*27,1 фоиз*)ни ташкил этган, шу жумладан:

- тижорат банкларига қарз олувчиларнинг кредитлари бўйича тақдим этилган кафилликлар билан боғлиқ тўловларни тўлаш учун **5,1** млрд сўм;

- тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоизли харажатларнинг бир қисмини қоплаш учун компенсация бериш учун **368,4** млрд сўм;

- жамғармани сақлаш билан боғлиқ харажатлар учун **8,7** млрд сўм;

Жамғарманинг ҳисобот даври якунига жами қолдиқ маблағлари **715,1** млрд сўмни ташкил этди.

8. Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармасининг 2023 йил бошига қолдиқ маблағлари **111,8** млрд сўмни ташкил этган.

2023 йилда жамғарма **даромадлари** прогноз кўрсаткичи **85,1** млрд сўм белгиланган бўлиб, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида ижроси **82,8** млрд сўм (*97,2* *фоиз*)ни ташкил этган, шу жумладан:

- тижорат банкларига имтиёзли асосда кредитлар ажратиш учун берилган ресурсларнинг қайтиши ва ҳисобланган фоиздан келиб тушадиган ва бошқа даромадлар **76,4** млрд сўм;

- бошқа даромадлар **6,4** млрд сўм.

Шу билан бирга, жамғармага жорий йилда Давлат бюджетидан **10,0** млрд сўм миқдоридан **трансфертлар** ажратилган.

Жорий йилда жамғарманинг **харажатлари** режаси **146,5** млрд сўмга режалаштирилган бўлиб, ижроси **51,5** млрд сўм (*35,1* *фоиз*)ни ташкил этган, шу жумладан:

- оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган, шу жумладан ногиронлиги бўлган, кам таъминланган оилалардаги хотин-қизларни моддий қўллаб-қувватлаш учун **15,8** млрд сўм;

- ёш қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, анъанавий оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мақсадли ишлар олиб борилишига кўмаклашиш учун **0,9** млрд сўм;

- хотин-қизларни касбга ўргатиш ва бандлигини таъминлашга кўмаклашадиган ҳамда уларнинг муаммолари билан шуғулланадиган нодавлат нотижорат ташкилотларга грант маблағларини ажратиш учун **8,0** млрд сўм;

- Республика хотин-қизлар жамоатчилиқ кенгаши томонидан хотин-қизлар масалалари бўйича ўтказиладиган халқаро тадбирларни ташкил этиш ва Ўзбекистон делегациясининг халқаро тадбирларда иштирок этиши билан боғлиқ харажатларини қоплашга кўмаклашиш учун **2,4** млрд сўм;

- хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик марказларида ташкил этилган ўқув курсларини олиб борган мутахассисларга соатбай ҳақ тўлаш учун **8,2** млрд сўм;

- зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш республика маркази, шунингдек уларнинг ҳудудий бўлимларини сақлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун **7,5** млрд сўм;

- Жамғарманинг Ижро этувчи дирекциясини сақлаш билан боғлиқ харажатлар учун **3,4** млрд сўм;

- бошқа харажатлар учун **5,2** млрд сўм;

Жамғарманинг ҳисобот даври якунига жами қолдиқ маблағлари **153,1** млрд сўмни ташкил этди.

9. Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси 2023 йил бошига қолдиқ маблағлари **197,1** млрд сўмни ташкил этган.

2023 йилда жамғарма **даромадлари** прогноз кўрсаткичи **1 104,8** млрд сўм белгиланган бўлиб, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида ижроси **480,9** млрд сўм (*43,5 фоиз*)ни ташкил этган, шу жумладан:

- абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўловдан тушумлар **464,7** млрд сўм;

- телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензия берилганлиги учун давлат божидан тушумлар **5,8** млрд сўм;

- бошқа даромадлар **10,3** млрд сўм;

Жорий йилда жамғарманинг **харажатлари** режаси **1 191,7** млрд сўмга режалаштирилган бўлиб, ижроси **494,2** млрд сўм (*41,5 фоиз*)ни ташкил этган, шу жумладан:

- Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси қарорларида белгиланган ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантиришга оид вазифаларни ҳамда лойиҳаларни амалга ошириш, ахборот технологиялари ва коммуникацияларини такомиллаштириш ҳамда ривожлантириш бўйича устувор лойиҳаларни ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва кузатиб бориш, электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиёт тизимларини шакллантириш, ривожлантириш бўйича лойиҳаларни ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва кузатиб бориш учун **63,2** млрд сўм;

- Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактабни таъмирлаш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш, унинг ўқитувчилари ва ходимларини қўшимча рағбатлантириш учун харажатлар учун **5,2** млрд сўм;

- Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети хузуридаги Илмий-инновацион ривожлантириш жамғармасига ажратмалар учун **2,8** млрд сўм;

- Ўзбекистон Миллий кутубхонаси — ахборот ресурс маркази хузуридаги бюджетдан ташқари Ахборот-кутубхона муассасаларини ривожлантириш жамғармасига ажратмалар учун **6,0** млрд сўм;

- Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси фаолиятини молиялаштириш учун **30,1** млрд сўм;

- “Ахборот технологиялари ва ахборот ресурсларини ривожлантириш маркази” ДУК фаолиятини молиялаштириш учун **5,1** млрд сўм;

- “Киберхавфсизлик маркази” ДУК фаолиятини молиялаштириш учун **24,0** млрд сўм;

- Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, унинг ҳудудий бошқармалари ва тизим ташкилотларини сақлаш билан боғлиқ харажатлар учун **259,7** млрд сўм;

- Ахборот технологиялари соҳасида таълим тизимини янада такомиллаштириш ҳамда таълим йўналишидаги дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш билан боғлиқ харажатлар учун **13,2** млрд сўм;

- бошқа харажатлар учун **84,9** млрд сўм.

Жамғарманинг ҳисобот даври якунига жами қолдиқ маблағлари **183,7** млрд сўмни ташкил этди.

10. Бюджетдан ташқари Республика мақсадли китоб жамғармасининг 2023 йил бошига қолдиқ маблағлари **6,7** млрд сўмни ташкил этган.

Жорий йилда жамғарма **даромадлари** прогноз кўрсаткичи **26,5** млрд сўм белгиланган бўлиб, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида ижроси **1,0** млрд сўм (**3,8** фоиз)ни ташкил этган, шу жумладан:

- кейинчалик фойдаланишга яроқсиз бўлган дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларни утилизация қилишдан тушган тушумлар **1,0** млрд сўм.

Шу билан бирга, жамғармага жорий йилда Давлат бюджетидан **16,6** млрд сўм миқдорида **трансфертлар** ажратилган.

Жорий йилда жамғарманинг **харажатлари** режаси **946,5** млрд сўмга режалаштирилган бўлиб, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида ижроси **13,6** млрд сўм (**1,4** фоиз)ни ташкил этган, шу жумладан:

- дарсликлар харид қилиш учун **11,7** млрд сўм;

- жамғарма ижро этувчи дирекциясининг сақлаш харажатлари учун **1,9** млрд сўм;

Жамғарманинг ҳисобот даври якунига жами қолдиқ маблағлари **10,6** млрд сўмни ташкил этди.

11. Тез тиббий ёрдамни ривожлантириш жамғармасининг 2023 йил бошига қолдиқ маблағлари **54,3** млрд сўмни ташкил этган.

Жорий йилда жамғарма даромадлари прогноз кўрсаткичи **35,0** млрд сўм белгиланган бўлиб, ижроси **0,1** млрд сўм (*0,2 фоиз*)ни ташкил этган.

Жорий йилда жамғарманинг харажатлари режаси **45,0** млрд сўмга режалаштирилган бўлиб, ижроси жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида **22,6** млрд сўмни ташкил этган, шу жумладан:

- Тез тиббий ёрдам хизмати фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш учун **21,2** млрд сўм;

- Тез тиббий ёрдам хизмати ходимларига устамалар, мукофот пуллари ва бошқа рағбатлантирувчи тўловларни тўлаш учун **1,4** млрд сўм;

Жамғарманинг ҳисобот даври якунига жами қолдиқ маблағлари **31,8** млрд сўмни ташкил этди.

12. Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг 2023 йил бошига қолдиқ маблағлари **362,3** млн сўмни ташкил этган.

Жорий йилда жамғарма даромадлари прогноз кўрсаткичи **550,0** млн сўм белгиланган бўлиб, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида даромадлар тушуми мавжуд бўлмаган.

Жорий йилда жамғарманинг харажатлари режаси **550,0** млн сўмга режалаштирилган бўлиб, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида харажатлар амалга оширилмаган.

Жамғарманинг ҳисобот даври якунига жами қолдиқ маблағлари **362,3** млн сўмни ташкил этди.

13. Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг 2023 йил бошига қолдиқ маблағлари **35,6** млрд сўмни ташкил этган.

Жорий йилда жамғарма даромадлари прогноз кўрсаткичи **89,4** млрд сўм белгиланган бўлиб, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида ижроси **61,2** млрд сўм (*68,4 фоиз*)ни ташкил этган, шу жумладан:

- Жойлаштириш воситаларидан ундириладиган туристик (меҳмонхона) йиғимдан тушумлар **52,8** млрд сўм;

- бошқа даромадлар **8,5** млрд сўм.

Жорий йилда жамғарманинг **харажатлари** режаси **168,2** млрд сўмга режалаштирилган бўлиб, ижроси **84,3** млрд сўм (*50,1 фоиз*)ни ташкил этган, шу жумладан:

- туризм соҳасидаги мақсадли дастурларни молиялаштириш учун **16,2** млрд сўм;

- «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» дастури доирасида республика ҳудудлари бўйлаб ички саёҳатларни амалга ошириш харажатларининг бир қисмини қайтариш учун **0,1** млрд сўм;

- хорижий туризм бозорларида мамлакат туризм салоҳиятини тарғиб қилиш харажатлари учун **33,1** млрд сўм;

- туризм ва маданий мерос вазирлиги, шу жумладан унинг ҳудудий бўлинмалари ва тизим ташкилотларини сақлаш билан боғлиқ харажатлар учун **30,9** млрд сўм;

- бошқа харажатлар **3,9** млрд сўм.

Жамғарманинг ҳисобот даври якунига жами қолдиқ маблағлари **12,5** млрд сўмни ташкил этди.

14. Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармасининг 2023 йил бошига қолдиқ маблағлари **35,3** млрд сўмни ташкил этган.

Жорий йилда жамғарма **даромадлари** прогноз кўрсаткичи **6,0** млрд сўм белгиланган бўлиб, ижроси **243,6** млрд сўмни ташкил этган, шу жумладан:

- Тижорат банкларига имтиёзли кредит ажратиш учун берилган ресурслар ва ссуда маблағлари бўйича тушумлар **94,8** млрд сўм;

- Давлат бюджетидан ажратилган бюджет ссудаси маблағлари **140,0** млрд сўм;

- жалб қилинган қарз маблағлари **8,7** млрд сўм;

Шу билан бирга, жамғармага жорий йилда Давлат бюджетидан **60,0** млрд сўм миқдорида **трансфертлар** ажратилган.

Жорий йилда жамғарманинг **харажатлари** режаси **204,0** млрд сўмга режалаштирилган бўлиб, ижроси **316,8** млрд сўм (*155,3 фоиз*)ни ташкил этган, шу жумладан:

- Субсидия харажатлари учун **26,0** млрд сўм;

- агентлик ва унинг идоравий мансуб ташкилотларини сақлаш билан боғлиқ харажатлар учун **18,5** млрд сўм;

- Давлат бюджетидан ўтган йилда ажратилган бюджет ссудасини қайтариш харажатлари учун **110,0** млрд сўм;

- бюджет ссудаси ва жалб қилинган маблағлар ҳисобидан ажратилган ресурс харажатлар учун **162,2** млрд сўм.

Жамғарманинг ҳисобот даври якунига жами қолдиқ маблағлари **22,2** млрд сўмни ташкил этди.

15. Виночиликни ривожлантириш жамғармасининг 2023 йил бошига қолдиқ маблағлари **281,7** млрд сўмни ташкил этган.

Жорий йилда жамғарма даромадлари прогноз кўрсаткичи **60,0** млрд сўм белгиланган бўлиб, ижроси **37,7** млрд сўм (*62,8 фоиз*)ни ташкил этган, шу жумладан:

- техник навли узум плантацияларини яратиш ва алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун берилган қарзлар ҳамда тижорат банкларига кредит ажратиш учун берилган ресурслар бўйича ҳисобланган фоизлардан тушумлар **10,9** млрд сўм;

- бошқа даромадлар **26,8** млрд сўм.

Жорий йилда жамғарманинг харажатлари режаси **185,0** млрд сўмга режалаштирилган бўлиб, ижроси **104,0** млрд сўм (*56,2 фоиз*)ни ташкил этган, шу жумладан:

- Агентлик ва унинг идоравий мансуб ташкилотларини сақлаш билан боғлиқ харажатлар учун **20,9** млрд сўм;

- бошқа харажатлар учун **83,1** млрд сўм.

Жамғарманинг ҳисобот даври якунига жами қолдиқ маблағлари **215,4** млрд сўмни ташкил этди.

16. Балиқчиликни ривожлантириш жамғармасининг 2023 йил бошига қолдиқ маблағлари **3,5** млрд сўмни ташкил этган.

Жорий йилда жамғарма даромадлари прогноз кўрсаткичи **1,6** млрд сўм белгиланган бўлиб, ижроси **0,5** млрд сўм (*34,3 фоиз*)ни ташкил этган.

Жорий йилда жамғарманинг харажатлари режаси **1,9** млрд сўмга режалаштирилган бўлиб, ижроси **0,3** млрд сўм (*13,7 фоиз*)ни ташкил этган.

Жамғарманинг ҳисобот даври якунига жами қолдиқ маблағлари **3,7** млрд сўмни ташкил этди.

17. Давлат қарзига хизмат кўрсатиш бўйича кафолат жамғармасининг 2023 йил бошига қолдиқ маблағлари **799,1** млрд сўмни ташкил этган.

2023 йилда жамғарма **даромадлари** прогноз кўрсаткичи **521,4 млрд сўм** белгиланган бўлиб, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида ижроси **135,3 млрд сўм (26,0 фоиз)**ни ташкил этган, шу жумладан:

- жалб этиладиган кредитлар (қарзлар) бўйича Ўзбекистон Республикаси номидан давлат кафолатлари берилганлиги учун ундириладиган мукофот пули тушумлари **12,0 млрд сўм**;

- Халқаро облигацияларни жойлаштиришдан тушган маблағларни депозитга жойлаштириш, кредит линиялари очиш ва бюджет ссудаларини ажратишдан фоиз тарзида тўланадиган даромадлардан олинган фойда солиғи миқдорида республика бюджетидан ажратма **33,3 млрд сўм**;

- халқаро молия институтлари, хорижий давлатлар ва ташкилотлардан жалб қилинган қарз маблағларини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банкларига депозитга жойлаштиришдан олинадиган даромадлар **33,5 млрд сўм**;

- бошқа даромадлар **56,6 млрд сўм**.

Жорий йилда жамғарманинг **харажатлари** режаси **267,5 млрд сўмга** режалаштирилган бўлиб, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида ижроси **140,2 млрд сўм (52,4 фоиз)**ни ташкил этган, шу жумладан:

- қарздор ташкилотлар давлат қарзи бўйича тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширмаган ҳолатларда қарздор ташкилотлар томонидан қайта қоплаш шarti билан қарз тўловларини амалга ошириш учун **9,9 млрд сўм**;

- халқаро облигациялар бўйича фоиз ва бошқа харажатлар учун **130,2 млрд сўм**.

Жамғарманинг ҳисобот даври якунига жами қолдиқ маблағлари **794,3 млрд сўм**ни ташкил этди.

18. Давлат тиббий суғуртаси жамғармасининг 2023 йил бошига қолдиқ маблағлари **141,7 млрд сўм**ни ташкил этган.

2023 йилда жамғарма **даромадлари** прогноз кўрсаткичи **3,6 млрд сўм** белгиланган бўлиб, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида жамғарма даромадлари **1,1 млрд сўм (30,3 фоиз)**га ижро этилган.

Шу билан бирга, жамғармага жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида Давлат бюджетидан **1 444,4 млрд сўм** миқдорида **трансфертлар** ажратилган, шу жумладан:

- республика бюджетидан **217,6 млрд сўм**;

- маҳаллий бюджетлардан **1 226,8 млрд сўм**.

2023 йилда жамғарманинг **харажатлари** режаси **3 094,1** млрд сўмга режалаштирилган бўлиб, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида ижроси **1 530,7** млрд сўм (*49,5 фоиз*)ни ташкил этган, шу жумладан:

- Давлат томонидан кафолатланган тиббий ёрдам доирасида тиббий хизматларни давлат ва хусусий тиббиёт ташкилотларидан харид қилиш учун **1 520,0** млрд сўм;

- Жамғарманинг ижро этувчи апаратыни сақлаш билан боғлиқ харажатлар учун **10,2** млрд сўм.

Жамғарманинг ҳисобот даври якунига жами қолдиқ маблағлари **56,4** млрд сўмни ташкил этди.

19. Таълим кредитини молиялаштириш жамғармасининг 2023 йил бошига қолдиқ маблағлари **1 328,8** млрд сўмни ташкил этган.

2023 йилда жамғарма **даромадлари** прогноз кўрсаткичи **100,0** млрд сўм белгиланган бўлиб, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида ижроси **59,4** млрд сўм (*59,4 фоиз*)ни ташкил этган.

Шу билан бирга, жамғармага жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида Давлат бюджетидан **515,0** млрд сўм миқдорида **трансфертлар** ажратилган.

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида жамғармадан **19,0** млрд сўм миқдорида харажатлар амалга оширилган.

Шу билан бирга, таълим кредитини молиялаштириш учун жамғарма маблағлари тижорат банкларига депозитларга жойлаштирилган.

Жамғарманинг ҳисобот даври якунига жами қолдиқ маблағлари **1 884,3** млрд сўмни ташкил этди.

20. Автомобиль йўллари ривожлантириш мақсадли жамғармасининг 2023 йил бошига қолдиқ маблағлари **500,9** млрд сўмни ташкил этган.

Жорий йилда жамғарма **даромадлари** **10,3** млрд сўм ижро этилган.

Шу билан бирга, жамғармага жорий йилда Давлат бюджетидан **2 253,5** млрд сўм миқдорида **трансфертлар** ажратилган.

Жорий йилда жамғарманинг **харажатлари** режаси **4 680,4** млрд сўмга режалаштирилган бўлиб, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида ижроси **2 764,1** млрд сўм (*59,1 фоиз*)ни ташкил этган, шу жумладан:

- Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурига асосан автомобиль йўллари, кўприклар ва йўл ўтказгичларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш, шунингдек объектларни жиҳозлаш ва техникалар харид қилиш учун **1 498,3** млрд сўм;

- умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари мукамал ва жорий таъмирлаш, сақлаш, қишки қаров, кўкаламзорлаштириш ишлари билан боғлиқ харажатлар учун **1 210,0** млрд сўм;

- умумий фойдаланишдаги автомобиль йўларида табиий офатларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш учун **36,3** млрд сўм;

- Автомобиль йўллари қўмитаси ва унинг бош бошқармалари ҳамда Қўмита тузилмасидаги ташкилотларни сақлаш билан боғлиқ харажатлар учун **19,5** млрд сўм;

Жамғарманинг ҳисобот даври якунига жами қолдиқ маблағлари **0,6** млрд сўмни ташкил этди.

21. Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармасининг 2023 йил бошига қолдиқ маблағлари **161,5** млрд сўмни ташкил этган.

Жорий йилда жамғарма **даромадлари 52,3** млрд сўмга ижро этилган.

Шу билан бирга, жамғармага Давлат бюджетидан **818,2** млрд сўм миқдорида **трансфертлар** ажратилган.

Жорий йилда жамғарманинг **харажатлари** режаси **1 056,9** млрд сўмга режалаштирилган бўлиб, ижроси **964,1** млрд сўм (*91,2 фоиз*)ни ташкил этган, шу жумладан:

- Ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш дастурига асосан ичимлик суви таъминоти ва канализация тизими объектларини қуриш ва реконструкция қилиш, шунингдек лойиҳа-тадқиқот ишларини молиялаштириш учун **964,1** млрд сўм.

Жамғарманинг ҳисобот даври якунига жами қолдиқ маблағлари **67,9** млрд сўмни ташкил этди.

22. Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг 2023 йил бошига қолдиқ маблағлари **86,7** млрд сўмни ташкил этган.

Жорий йилда жамғарма **даромадлари 40,9** млрд сўмга ижро этилган.

Шу билан бирга, жамғармага жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида Давлат бюджетидан **247** млрд сўм миқдорида **трансфертлар** ажратилган.

Жорий йилда жамғарманинг **харажатлари** режаси **750** млрд сўмга режалаштирилган бўлиб, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида ижроси **229,8** млрд сўм (*30,6 фоиз*)ни ташкил этган, шу жумладан:

- илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасидаги лойиҳаларни молиялаштиришга доир харажатлар учун **156,5** млрд сўм;

- янги ва замонавий юқори технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозланган илмий лабораторияларни ташкил қилиш ва қўшимча жиҳозлашга доир харажатлар учун **7,7** млрд сўм;

- инновацион фаолият субъектларида объектларни қуриш ва жиҳозлашга доир харажатлар учун **23,0** млрд сўм;

- ёш олимларнинг қисқа муддатли илмий стажировкаларини молиялаштиришга доир харажатлар учун **8,9** млрд сўм;

- жамғарманинг Ижро этувчи дирекциясини сақлаш харажатлар ва бошқа харажатлар учун **3,6** млрд сўм;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига асосан дастурларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар учун **30,1** млрд сўм.

Жамғарманинг ҳисобот даври якунига жами қолдиқ маблағлари **144,7** млрд сўмни ташкил этди.

23. Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармасининг 2023 йил бошига қолдиқ маблағлари **46,3** млрд сўмни ташкил этган.

2023 йилда жамғарма **даромадлари** прогноз кўрсаткичи **102,6** млрд сўм белгиланган бўлиб, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида ижроси **55,5** млрд сўм (*54,1 фоиз*)ни ташкил этган.

Шу билан бирга, жамғармага жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида Давлат бюджетидан **75,0** млрд сўм миқдорида **трансфертлар** ажратилган.

2023 йилда жамғарманинг **харажатлари** режаси **500,0** млрд сўмга режалаштирилган бўлиб, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида ижроси **132,3** млрд сўм (*26,5 фоиз*)ни ташкил этган, **шу жумладан:**

- субсидиялар тўлаш учун **129,5** млрд сўм;

- бошқа харажатлар учун **2,8** млрд сўм.

Жамғарманинг ҳисобот даври якунига жами қолдиқ маблағлари **44,6** млрд сўмни ташкил этди.

Консолидациялашган бюджет даромадлари, харажатлари ва унинг тақчиллиги:

2023 йилнинг биринчи ярим йиллигида Консолидациялашган бюджет даромадлари **153,8 трлн** сўмни, харажатлари **180,8 трлн** сўмни ташкил этган ҳолда консолидациялашган бюджет тақчиллиги **26,9 трлн** сўмни ёки ялпи ички маҳсулотга (470 триллион сўм) нисбатан **5,7 фоизни** ташкил этди.

8-жадвал

2023 йил учун Ўзбекистон Республикаси Консолидациялашган бюджетининг жамланма параметрлари ижроси

млрд сўм

Т/р	Кўрсаткичлар	2023 йил I ярим йиллик ижро
I.	Консолидациялашган бюджет даромадлари	153 842,3
1.	Давлат бюджети даромадлари*	102 296,3
2.	Давлат мақсадли жамғармалари даромадлари*	25 881,0
3.	Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига тушумлар	4 760,0
4.	Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармаларига тушумлар	20 904,9
II.	Консолидациялашган бюджет харажатлари	180 794,5
1.	Давлат бюджети харажатлари*	116 765,6
2.	Давлат мақсадли жамғармалари харажатлари	34 955,3
3.	Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағларининг сарфланиши	7 910,9
4.	Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағларининг сарфланиши	16 962,7
5.	Ташқи қарз ҳисобидан давлат дастурларига харажатлар	4 200,0
III.	Давлат мақсадли жамғармаларига трансфертлар	12 335,8
IV.	Консолидациялашган бюджет сальдоси (профицит +, дефицит -)	-26 952,2
V.	Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари сальдоси (профицит +, дефицит -)	-23 543,6
VI.	Давлат қарзларини сўндириш	9 105,2

* Бюджетлараро трансфертларни ҳисобга олмаган ҳолда

Ушбу тақчиллик қуйидаги манбалар ҳисобидан молиялаштирилди:

Давлат қарз маблағларини жалб қилиш ҳисобидан **6,7 трлн сўм**, шундан ташқи қарз маблағлари ҳисобидан **1,7 трлн сўм**, давлат қимматли қоғозларини ички бозорда жойлаштириш ҳисобидан **5,0 трлн сўм**;

Давлат активларини хусусийлаштиришдан тушган тушумлар ҳисобидан **1,5 трлн сўм**;

Давлат дастурларини амалга ошириш учун Халқаро молия институтларининг имтиёзли кредит маблағлари **4,2 трлн сўм**;

Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ва бюджетдан ташқари жамғармаларнинг йил бошига қолдиқ маблағлар ҳисобидан **14,5 трлн сўм**.

V. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати томонидан ҳисобот даврида амалга оширилган ишлар

Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 30 декабрдаги “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-813-сонли Қонунида белгиланган бюджет параметрлари доирасида Давлат бюджетиде кўзда тутилган харажатлар ва даромадларнинг касса ижроси Ғазначилик хизмати қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари (кейинги ўринларда - Ғазначилик) томонидан амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари талабларига мувофиқ ўз вақтида амалга ошириб келинмоқда.

Молиявий мажбуриятлар ижроси тўғрисида.

Ҳисобот йили давомида Ғазначилик томонидан жами **8 186 та** бюджет ташкилотларига хизмат кўрсатилиб, улар томонидан тақдим этилган юридик ва молиявий мажбуриятлар амалдаги қонунчилик талаблари доирасида рўйхатга олиниши таъминланди.

Бунда, бюджет тизими бюджетларининг умумий қиймати **251,9 трлн сўмлик 6 млн** дан ортиқ тўлов ҳужжатлари амалга оширилган бўлиб, жумладан бюджет маблағлари бўйича жами **129,1 трлн сўмлик 2,7 млн**, бюджетдан ташқари маблағлар бўйича жами **39,4 трлн сўмлик 3,0 млн** ва Давлат мақсадли ва бошқа мақсадли жамғармалар бўйича жами **83,4 трлн. сўмлик 369 мингга яқин** тўлов ҳужжатлари тўланиши таъминланган (*ўтган йилнинг мос даврига нисбатан тўлов ҳужжатлари сони ўртача 7,6 фоизга ўсган*).

Шу билан бирга, Ғазначилик томонидан бюджет ташкилотларида ишловчи ходимларнинг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларини биринчи ярмини (аванс) ҳар ойнинг 20 санасидан кечиктирмасдан ҳамда ойлик иш ҳақининг иккинчи ярмини ҳар ойнинг биринчи беш иш кунида тўлиқ молиялаштириб келинмоқда.

Шунингдек, Ғазначилик томонидан Ягона ғазна ҳисобварағи ликвидлигини бошқаришда, Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг қисқа муддатли даромад ва харажат прогнозини тузиш орқали бюджет тақчиллигини аниқлаш ҳамда уни қоплаш юзасидан Давлат қимматли қоғозларини муомилага чиқариш ва халқаро молия институтлардан бюджетни қўллаб-қувватлаш учун жалб этилган қарз маблағларни республика бюджетига йўналтириш орқали иш ҳақи, нафақа ва стипендиялар ўз муддатида тўлиқ молиялаштирилишига эришилди.

Бюджет ташкилотларининг қарийб **45,5 трлн. сўмлик** иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлари ҳамда **8,9 трлн. сўмлик** ижтимоий солиқ тўлови ўз муддатларида тўлиқ тўлаб берилди.

Бундан ташқари, Ғазначилик томонидан 2023 йилнинг ўтган 6 ойи давомида Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан **3 206 та** тадбиркорлик субъектларига қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) солиқ идораларининг **12** мингдан зиёд маблағ қайтариш бўйича хулосаларига асосан жами **8,9 трлн сўм** маблағ қайтариб берилди.

Шу каби, 2023 йил 6 ойи давомида Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан солиқ идораларининг **5 683 та** хулосаларига асосан **2 841 та** иш берувчи корхоналарга жами **40,4 млрд сўм** улар томонидан **25 ёшдан ошмаган ходимлар учун тўланган ижтимоий солиқ** суммаси қайтарилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 октябрдаги “Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида назорат-касса техникасидан фойдаланишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5252-сонли қарорига асосан Ғазначилик томонидан 2023 йил 1-чораги давомида чакана савдо, умумий овқатланиш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш объектларида харидни амалга оширган ва харид чекининг фискал белгисини матрицали штрих код (QR-код) ёрдамида сканерлаш орқали рўйхатдан ўтказган жисмоний шахсларга харид суммасининг **1 фоиз (Cashback)** учун Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан **814,8 млрд сўм** маблағ белгиланган муддатларда жисмоний шахсларга қайтариб бериш бўйича очилган банк ҳисоб рақамига ўтказиб берилган.

Бюджет тизими бюджетлари даромадларининг тақсимланиши тўғрисида.

Бюджет тизими бюджетлари даромадларининг касса ижросини таъминлаш учун Ҳукумат қарорларида белгиланган миқдорда солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар, маъмурий жарималар ва молиявий санкцияларни ундирилиши натижасида Ягона ғазна ҳисоб варағига келиб тушган маблағлар ундирувчи органларнинг ривожлантириш жамғармасига ҳамда Давлат бюджети даромади ўртасида тақсимланиш чоралари кўрилиб, натижада 2023 йил январь-июнь ойларида мажбурий тўловлар, маъмурий жарималар ва молиявий санкциялар тўловчилардан **13,2 трлн сўм** маблағ ундирилган бўлиб, шундан **4,6 трлн сўми** давлат бюджетига ва **7,9 трлн сўм** маблағ ундирувчи органларининг бюджетдан ташқари жамғармаларига ҳамда **0,7 трлн сўми** жамғармаларга йўналтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги “Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-14-сон Фармонига асосан қайта ташкил этилган, бўйсунуви ўзгартирилган ва тугатилган вазирлик ва идораларининг бюджетдан ташқари жамғармаларига асосан солиқлар, мажбурий йиғимлар, божлар ва жарималар ҳисобидан келиб тушадиган маблағлар тақсимланишига ўзгартиришлар киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 15 апрелдаги “Бюджетлараро муносабатларни ва солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-208-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-471-сонли қарорларига асосан солиқлар, мажбурий йиғимлар, божлар ва жарималар ҳисобидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига келиб тушган маблағларнинг ҳамда мазкур жамғармаларнинг бўш турган маблағларини тижорат банкларига жойлаштиришдан олинган даромадларидан ҳисобот даврида **40 фоиз** жами **674,7 млрд сўм** маблағ Республика бюджети даромадига ундириб олишга эришилди (*ma'lumot uchun: 2023 yil 1-yanvardan 9-fevralgacha 20 foiz, 10-fevraldan 31-maygacha 30 foiz bo'lgan*).

Ягона ғазна ҳисобварағидаги маблағларни самарали бошқариш тўғрисида.

Бюджет ташкилотлари ва давлат мақсадли жамғармаларнинг бўш турган маблағларидан самарали фойдаланиш мақсадида, тижорат банкларига вақтинча бўш турган маблағларни депозитга жойлаштириш учун тақдим этилган буюртманомаларига асосан 2023 йилнинг ўтган 6 оyi давомида **бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича вақтинча бўш турган маблағлари** ўтказилган электрон аукцион натижаларига кўра депозит ставкаси ўртача **18,6 фоиздан** жами **3 351,1 трлн сўм тижорат банклари** муддати 1 ойдан 1 йилгача бўлган муддат **депозитларга** жойлаштирилди.

Бўш турган маблағларни депозитга жойлаштириш натижасида, бюджет ташкилотлари томонидан қўшимча **328,9 млрд сўм** даромад олишига эришилди.

Бундан ташқари, ҳисобот даврида **Ягона ғазна ҳисобварағида вақтинча бўш маблағларининг** тижорат банклари депозитларига жойлаштирилиши ҳисобидан жами **436 млрд сўм** даромад олинди ва белгиланган тартибда тегишли нормативларга мувофиқ бюджет тизими бюджетлари ўртасида тақсимланди.

Бюджет тизими бюджетларининг чет эл валютасидаги маблағлари тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари асосида халқаро молия институтларидан жалб қилинган маблағлар ҳисобидан **150 млн. АҚШ доллари** (1 712 млрд. сўм) маблағ давлат бюджети харажатларини молиялаштириш учун йўналтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган хориж хизмат сафарлари учун Вазирлик ва идоралар томонидан киритилган жами **100 дан ортиқ Вазирлар Маҳкамасининг фармойиши лойиҳалари** келишиб берилди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли фармойишларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси делегацияларининг чет эл хизмат сафарлари учун жами **8,4 млн АҚШ доллари** миқдоридаги маблағлар Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси ҳисобидан ажратилди.

Амалга оширилган чет эл хизмат сафарлари учун юқорида келтирилган маблағларни ишлатилиши бўйича бўнак ҳисоботлари ўрганиб чиқилиб, мазкур ўрганиш натижасида аниқланган **524 минг АҚШ доллари** миқдоридаги иқтисод қилинган маблағлар Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармасига қайта тикланди.

Булардан ташқари, маҳсулот тақсимлаш битими доирасида “LUKOIL Uzbekistan Supply and Trading Ltd” компаниясидан 2023 йил 6 ой давомида давлат бюджетига жами **103,1 млн. АҚШ доллари** миқдорида маблағлар келиб тушди ва ушбу маблағлар миллий валютага конвертация қилиниб давлат бюджети даромадларига (1 213,8 млрд. сўм) ўтказилди.

2023 йил 6 ой давомида миллий валютадаги маблағларни чет эл валютасига ўгрилиб, Ўзбекистон Республикаси Хукумати номидан хорижий мамлакатларга ва хорижий молия институтларига жами **6,8 млн АҚШ доллари** миқдорида турли тўловлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикасига кириб келган гуманитар ёрдамлар тўғрисида.

Ҳазначилик томонидан Ўзбекистон Республикасига кириб келган гуманитар ёрдамлар тўғрисидаги маълумотлар **Божхона қўмитасидан олинган маълумотларга асосан таҳлил қилиниб**, ҳисоби юритилиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикасига 2023 йил январь-июнь ойларида **23 та** давлатдан умумий қиймати **123 314,8 минг АҚШ доллар** миқдорида гуманитар ёрдам юклари кириб келган бўлиб, унинг асосий салмоғи Германия – **48 675,9 минг АҚШ доллар** (39,5 %), Хитой – **27 259,8 минг АҚШ доллар** (22,1 %) Америка Қўшма Штатлари – **17 074,1 минг АҚШ доллар** (13,8 %) давлатларига тўғри келади (*умумий гуманитар ёрдамнинг 75,4 фоизи юқоридаги уч давлатга тегишли*).

Кириб келган гуманитар ёрдам соҳалар кесимида таҳлил қилинганда, соғлиқни сақлашга (94 151,8 минг АҚШ доллар), таълимга (27 366,8 минг АҚШ доллар) ва газ таъминоти корхоналарига суюлтирилган газ учун (1 651,6 минг АҚШ доллар) ҳамда “Шарқ аёли” жамғармасига (273,7 минг АҚШ доллар) йўналтирилган.

Шундан кўриш мумкинки, кириб келган гуманитар ёрдамнинг **76,4 фоизи соғлиқни сақлаш** соҳасига тўғри келади.

Ушбу даврда кириб келган гуманитар ёрдамларни гуманитар ёрдам олувчи ташкилотлар салмоғига нисбатан олиб таҳлил қилинганда, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги **54,2 фоизни**, Ўзбекистон Республикаси мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги **13,3 фоизни** ҳамда “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди **7,7 фоизни** ташкил этади.

2023 йилнинг I ярим йиллиги давомида **давлат харидлари соҳасини** янада такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар давом эттирилди.

Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 2023 йилнинг I ярим йиллигида давомида давлат буюртмачилари томонидан республика бўйича жами **147,5 трлн** сўмлик (*бюджет буюртмачилари томонидан 46,3 трлн корпоратив буюртмачилар томонидан 101,2 трлн.*) давлат харидлари амалга оширилди.

Шундан, **53,9 трлн сўм** қийматдаги харидлар (*жами харидларнинг 36,6 фоизи*) электрон савдолар орқали амалга оширилди. Рақобатли харид қилиш тартиб-таомилларини ўтказиш натижасида **4,5 трлн сўм** маблағлар иқтисод қилинишига эришилди. Шундан:

Бюджет буюртмачилари томонидан жами **46,3 трлн** сўмлик давлат харидлари амалга оширилган бўлиб, шундан **20,7 трлн** сўм қийматдаги харидлар (*бюджет буюртмачилари томонидан амалга оширилган жами харидларнинг 44,7 фоизи*) электрон савдолар орқали амалга оширилди.

Шунингдек, рақобатли харид қилиш тартиб-таомилларини ўтказиш натижасида **1,3 трлн сўм** маблағлар иқтисод қилинди.

Корпоратив буюртмачилар томонидан эса жами **101,2 трлн сўм**лик давлат харидлари амалга оширилди. Шундан, **33,2 трлн сўм** қийматдаги харидлар (*корпоратив буюртмачилар томонидан амалга оширилган жами харидларнинг 32,9 фоизи*) электрон савдолар орқали амалга оширилди. Савдолар натижасида **3,2 трлн сўм** маблағлар иқтисод қилинди.

II. Давлат харидлари жараёнларини рақамлаштириш юзасидан.

1. Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрининг “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими билан интеграцияси таъминланди.

2. Тўғридан-тўғри шартномалар бўйича электрон шаклда шартномалар имзолаш амалиёти йўлга қўйилди.

3. Таъсисчиси бюджет ташкилотлари бўлган унитар корхоналарга ғазначилик орқали хизмат кўрсатиш тартиби амалиётга жорий этилди.

4. Давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталида дастурий маҳсулотлар, дастурий-аппарат комплекслари, ахборот тизимларини яратиш ва жорий этиш билан боғлиқ харид қилиш тўғрисидаги буюртмаларни алоҳида модулда (веб-саҳифада) акс эттириш ва харид жараёнларини рейтинг асосида амалга оширишни йўлга қўйилди.

5. “IT-Market” махсус ахборот портали орқали давлат харидларини амалга оширишда қўлланиладиган электрон маълумотлар базаларини ўзаро интеграциялаш мақсадида технологик йўриқнома ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Тизимлар ўзаро интеграция қилинди ва Давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталида жойлаштирилган маълумотларни “IT-Market” махсус ахборот порталида акс эттирилди.

6. Давлат харидларида энг яхши таклифларни танлаш ва тендер савдоларида иштирокчиларнинг нарх таклифларини баҳолашда қўшилган қиймат солиғи суммаси инобатга олинмасдан давлат харидларининг электрон тизими томонидан автоматик равишда солиштириш амалиёти жорий қилинди.

7. Энг яхши таклифларни танлаш ва тендер воситасидаги давлат харидида иштирокчилар таклифларининг техник ва нарх қисмини балл усулидан фойдаланган ҳолда баҳолашда таклифларнинг техник ёки нарх қисми учун нисбий қиймат миқдори мажбурий равишда 30 фоиздан кам бўлмаслиги бўйича электрон тизимга ўзгартиришлар киритилди.

8. Энг яхши таклифларни танлаш ва тендер воситасидаги давлат харидида қатнашаётган иштирокчиларининг ўз розилигига кўра тақдим этган таклифлари тўғрисидаги маълумотларни давлат харидлари электрон тизимида барча учун очиқлаш имкониятини яратилди.

III. Давлат харидларига оид таҳлилий маълумотларни кенг оммага етказиб бориш юзасидан.

Давлат харидлари соҳасида амалга оширилган ислохотлар тўғрисидаги маълумотларни кенг оммага етказиб бориш мақсадида вазирликнинг расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқларидаги саҳифалари орқали таҳлилий маълумотлар доимий равишда жойлаштириб борилмоқда.

2023 йилнинг 1-ярим йиллик давомида давлат буюртмачилари томонидан республика бўйича жами **147,5 трлн сўмлик** (*бюджет буюртмачилари томонидан 46,3 трлн, корпоратив буюртмачилар томонидан 101,1 трлн.*) давлат харидлари амалга оширилди. Шундан, **53,9 трлн сўм** қийматдаги харидлар (*жами харидларнинг 36,6 фоизи*) электрон савдолар орқали амалга оширилди. Рақобатли харид қилиш тартиб-таомилларини ўтказиш натижасида **4,5 трлн сўм** маблағлар **иқтисод қилинишига эришилди.**

Шундан:

Бюджет буюртмачилари томонидан жами **46,3 трлн сўмлик** давлат харидлари амалга оширилган бўлиб, шундан **20,7 трлн сўм** қийматдаги харидлар (*бюджет буюртмачилари томонидан амалга оширилган жами харидларнинг 44,7 фоизи*) электрон савдолар орқали амалга оширилди. Шунингдек рақобатли харид қилиш тартиб-таомилларини ўтказиш натижасида **1,3 трлн сўм** маблағлар иқтисод қилинди. Бюджет буюртмачилари томонидан июн ойи давомида жами **15,3 трлн сўмлик** давлат харидлари амалга оширилган бўлиб, II чораги давомида бюджет буюртмачилари томонидан амалга оширилган жами харидларнинг **33,0 фоизини** ташкил этади.

Корпоратив буюртмачилар томонидан эса жами **101,1 трлн сўмлик** давлат харидлари амалга оширилди. Шундан, **33,2 трлн сўм** қийматдаги харидлар (*корпоратив буюртмачилар томонидан амалга оширилган жами харидларнинг 32,9 фоизи*) электрон савдолар орқали амалга оширилди. Савдолар натижасида **3,2 трлн сўм** маблағлар иқтисод қилинди.